

У. 15  
У. 4-18

Қ. ДАМИНОВ,  
Ў. ОТАВАЛИЕВА, Х. ИБРОҲИМОВ

+ ПСИХОЛОГИЯДАН

СЕМИНАР  
ВА  
ЛАБОРАТОРИЯ  
МАШҒУЛОТЛАРИ



# ПСИХОЛОГИЯДАН

## СЕМИНАР ВА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Педагогика институтларининг  
мактабгача тарбия факультети ва  
ўрта махсус педагогика билим  
юртлари талабалари учун ўқув  
қўллағи

Қўлланма талабаларни умумий ва болалар психологиясидан мустақил ишларга йўлловчи семинар машғулотларни, табиий ва лаборатория экспериментлари шаклидаги амалий ишларни ҳамда шу фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил қилиш ва ўтказишга оид методик ишланмаларни ўз ичига олади.

У педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетлари ва мактабгача тарбия педагогика билим юртлари талабалари ҳамда ўқитувчиларига мўлжалланган.

Тақризчилар: **Э. Ғозиев** — психология фанлари доктори, профессор, ТошДУ психология кафедрасининг мудири.

**Э. Искандаров** — психология фанлари номзоди, доцент, СамДУ психология кафедрасининг мудири.

Описано

РИПК ЎРХТВ  
369785

Д  $\frac{0303010000-106}{353(04)-94}$  18-94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994.

ISBN 5-645-02244-0

## 1. УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

### Уқтириш хати

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ўқитувчининг ўз фани бўйича чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлишга ҳамда педагогик маҳоратига боғлиқ. Педагогик маҳорат педагогика фани билан бир қаторда психология асосларини ҳам пухта эгаллаш натижасида ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг, халқ таълими ходимларининг психологияга оид билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор бериш зарурати тўғрисида.

Ҳозирги вақтда олий таълимни қайта қуриш, уни ишлаб чиқариш билан янада кўпроқ яқинлаштириш ишлари олиб борилаётган бир шароитда фан ва назарияга асосланган билимга, амалий малакаларга эга бўлган ва янги замонавий вазифаларни муваффақиятли ҳал қила боришга лаёқатли мутахассислар тайёрлаш янада актуаллашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати ўзининг таълим соҳасидаги сиёсатида олий ва ўрта махсус мактабда мутахассислар тайёрлаш мазмунини халқимизнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари билан, республикамизни ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш вазифалари билан мувофиқ ҳолга келтиришни, таълимнинг хилма-хил шакллари ва усуллари ёрдамида ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шароит яратишни долзарб вазифалардан бири деб ҳисобламоқда. Ўз навбатида бу вазифалар ҳар томонлама гармоник ривожланган, ижтимоий фаолликка эга бўлган педагог-мутахассисларни тайёрлаш масъулиятини яна ҳам оширади.

Тарбиячи-педагогларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва обрўсини кўтариш, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилаш умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг бош йўналишларидан биридир. Шундай экан, умумий психологиядан ташкил этиладиган семинар ва лаборатория машғулотлари педагогика институтида бўлғуси мутахассислар тайёрлашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Семинар ва лаборатория машғулотларида студентларнинг шахс, ижтимоий-психологик ҳодисалар ҳақидаги хусусий қарашлари шаклланади. Студентлар шахс психологиясига онд қонуниятларни мустақил ўрганадилар. Психологик адабиётлар материаллари асосида илмий психологияга доир назарий масалаларни бирга-ликда фронтал тарзда муҳокама қиладилар. Студентларнинг ўтилган мавзуларга онд билимлари, ёзган рефератлари, маърузалари муҳокама қилинади.

Лаборатория машғулотларида студентлар билан психологик қонуниятларни аниқлашга доир ўтказилган амалий экспериментлар орқали уларнинг психик ҳодисаларга тегишли назарий билим ва тушунчалари амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Натижада психология назарияси ва амалиётининг бирлиги таъминланади.

Семинар машғулотларида психологиянинг умумий илмий-назарий қонуниятлари психологик адабиётлардан йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали студентлар томонидан ўзлаштириб олиниши зарур бўлган тушунчалар конкретлаштирилади. Лаборатория машғулотларида эса психология ҳақидаги назарий билимларни қандай қилиб амалда қўллаб бориш кераклиги студентларнинг фаол иштирокида бажариладиган экспериментлар орқали кўрсатиб берилади.

Студентларнинг психология предметига онд билимларни ўзлаштириб боришлари юзасидан олиб бориладиган ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва мустақил ишлаш методикаси туфайли студентлар психологиядан мукаммал билим оладилар, педагоглик касбини эгаллаш учун жиддий психологик тайёргарликдан ўтадилар. Психологиядан олиб бориладиган амалий машғулотлар студентларнинг ўз-ўзини тарбиялаб бориши ва мустақил билим олишини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Психология фанини ўқитиш педагогика институтларнинг студентларига биринчи курсданоқ бошланади. Табиийки, студентлар психология дарслиги ва қўлланмаларининг дастлабки боблариданоқ фалсафа, физиология, психология ва педагогикага доир жуда кўп янги тушунча ва атамаларга дуч келадилар. Бундан ташқари, студентлар ўқинишнинг дастлабки даврида ҳали илмий адабиётлар устида ишлаш методикасини билмайдилар. Булар эса студентларнинг психология фанини ўзлаштиришида анчагина қийинчиликларнинг туғилишига сабаб бўлади. Мазкур қўлланма эса шу хил-

даги қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдамлашиш, психология ўқитувчиларига семинар ва лаборатория машғулотларини режалаштириш, машғулотларни самарали ташкил этиш борасидаги ишларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этишга ёрдам бериш мақсадида тайёрлангандир.

Ушбу қўлланмани тузишда педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетлари учун мўлжалланган амалдаги ўқув режаси, умумий психология дастурига асосланган.

Семинар машғулотлари учун мавзуларни программанинг «Психология предмети», «Психологиянинг тузилиши, вазифалари ва методлари», «Психика ва онг тараққиёти», «Фаолият», «Мулоқот», «Шахс ва коллектив», «Тафаккур», «Шахснинг эмоционал ва иродавий сифатлари», «Характер», «Қобилият» қисмларидан, лаборатория машғулотлари учун мавзуларни эса «Диққат», «Сезгилар ва идрок», «Хотира», «Темперамент ва характер» қисмларидан олинди.

Семинар ва лаборатория машғулотларига тайёрланиш жараёнида студентлар тавсия қилинган адабиёт материалларини кунт билан ўрганиб чиқиши, психология муаммоларига доир биттадан маъруза ёки реферат тайёрлаши; амалий-психологик топшириқларни бажариши, кузатиш, эксперимент ва бошқа методлардан фойдаланган ҳолда психологик тажрибалар ўтказиб, лаборатория ишларини бажариши, шунингдек, қилинган иш натижаларини жамоа бўлиб муҳокама қилишда актив қатнашиши лозим.

Қўлланмага ҳар бири икки соатга мўлжалланган ўн битта мавзу бўйича семинар машғулотлари киритилди. Ҳар бир машғулотда муҳокама қилишга доир конкрет саволлар белгилаб чиқилди. Студентларнинг семинар машғулотларига тайёрланиш ва саволларга қийналмасдан конкрет, изчил ва муайян системада жавоб беришларини таъминлашга ёрдам берар деган умид билан, саволларга жавоб бериш дастури ҳам киритилди.

Лаборатория машғулотлари психология ўқитишнинг таркибий қисмларидан биридир. Чунки психология фани ўз предметида оид қонуниятларни аниқлаш ва илмий ҳулосалар чиқаришда асосан эксперимент ва кузатишлар орқали йиғилган конкрет далилларга таяниб иш кўради. Шунинг учун психологик тадқиқотнинг экспериментал методикасини ўрганиб олмасдан туриб психо-

логиянинг асосларини ўзлаштириш қийин. Бундан ташқари, лаборатория машғулотлари студентларнинг психологиядан лекция тинглаш ва махсус адабиётларни мустақил ўрганиб бориш йўллари билан ўзлаштириб олган назарий билимларини мустаҳкамлайди ва конкретлаштиради, уларда амалий психологик тадқиқотлар олиб бориш малакаларини таркиб топтиради. Мактабгача тарбия факультетларининг ўқув режасида белгилаб берилган вақт мезонини назарда тутиб, қўлланмага семинар ва лаборатория машғулотлари учун ажратилган вақт мобайнида бажариб улгуриш мумкин бўлган вазифалар киритилди.

Қўлланмага лаборатория машғулотлари учун мураккаб тузилган ва фойдаланиш қийин бўлган техникавий қурилма, асбоб-анжомларсиз амалга оширилиши мумкин бўлган тажрибаларгина киритилди. Шунингдек, эксперимент натижаларини миқдорий жиҳатдан ҳисоблаб чиқишда жуда мураккаб физик ва математик формулалардан фойдаланилмади. Чунки мактабгача тарбия факультетининг ўзига хос хусусияти олдимизга ана шундай вазифани юклайди.

Семинар ва лаборатория машғулотлари асосан қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

1. Студентларнинг лекцияларда эгаллаб олган психологик билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш.

2. Студентларда психологияга доир адабиётлар устида мустақил ишлаш олиш малакаларини шакллантириш.

3. Студентларни психологияга доир амалий тадқиқотчилик малакалари билан қуроллантириш.

4. Студентларни психологиядан эгаллаган назарий билим ва амалий малакаларини педагогик жараёнга тадбиқ қила олишга ўргатиш.

5. Психологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, бўлғуси педагогларда тарбияланувчиларга нисбатан онгли ва тўғри муносабатда бўлиш малакаларини шакллантириш.

6. Студентларни психология фани ва педагоглик мутахассислигига қизиқтириш.

7. Студентларда психологиядан эгаллаган билимларини асосли, ишончли ва эркин баён қилиб бера олиш малакасини тарбиялаш.

Семинар машғулоти  
Семинар машғулоти бўйича мавзулар режаси

Тартиб номери	Машғулоти мавзулари	Ҳуви семестри	Ажратилган соат
1	Психологиянинг предмети, вазифалари, соҳалари ва фанлар системасида тутган ўрни	I	2
2	Илмий психологиянинг методологик принциплари ва тадқиқот методлари	I	2
3	Психика ва онг тараққиёти	I	2
4	Шахс фаолиятининг психологик характеристикаси	I	2
5	Ижтимоий психологик ҳодиса сифатида мулоқот ҳақида тушунча	I	2
6	Шахс гуруҳ ва жамоа ҳақида тушунча	I	2
7	Тафаккур	I	2
8	Хаёл ва ижод назариясининг умумий масалалари	II	2
9	Шахснинг эмоционал ва иродавий хислатлари ҳақида тушунча	II	2
10	Характер ва унинг таркиб топши	II	2
11	Қобилиятлар ҳақида тушунча	II	2
		Жами	22

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

Мавзу. Психологиянинг предмети, вазифалари, тармоқлари ва фанлар системасида тутган ўрни

Режа

1. Фан сифатида психологиянинг таърифи. Одам психик фаолиятининг тузилиши.
2. Психика ва унинг турлича назарий йўналишларда талқин қилиниши.
3. Психологиянинг вазифалари ва тармоқлари. Умумий психология ҳақида тушунча.



4. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси ва фанлар системасида тутган ўрни.

5. Нерв системасининг тузилиши ва психика. Психиканинг рефлекторлик характери.

6. Психик тараққиётнинг олий даражаси сифатида онг ва унинг тузилиши структураси ҳақида тушунча.

### **Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* «Психология» терминининг луғавий маъносини очиб бериш; психологияга асос солиниши ва унинг фан сифатида майдонга келиши ҳақида қисқача маълумот бериш; психик процесслар, психик ҳолатлар, психик хусусиятлар ҳақида тушунча бериш; психология фанига таъриф бериш зарур.

*Иккинчи саволда:* психика ҳақидаги таълимотларни тушунтириб бериш; психика ҳақида турлича йўналишдаги идеалистик таълимотлар: Платон ва бошқаларнинг «идеялар» ҳақидаги назарияси, психо-физик параллелизм, психо-физик ўзаро таъсир оқими намояндаларининг фикри ва уларнинг танқиди ҳақида тушунча берилди.

*Учинчи саволда:* психологиянинг назарий ва амалий вазифалари; психологиянинг асосий соҳалари: умумий психология, қиёсий психология; ҳар турли фаолият соҳаларидаги кишилар психикасини ўрганувчи тармоқлари ҳақида тушунча берилди ва умумий психология батафсил таърифланади.

*Тўртинчи саволда:* психологиянинг фалсафа, табиатшунослик, педагогика, кибернетика ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириш, психологиянинг техника тараққиёти билан алоқаси ҳақида маълумот бериш; психологиянинг фанлар системасида тутган ўрнини тушунтириш кўзда тутилади.

*Бешинчи саволда:* инсон нерв системасининг умумий тузилиши, психик фаолиятнинг рефлекторлик табияти; шартли рефлекслар ва уларнинг ҳосил қилиниши; бош мия катта ярим шарлар пўстлогининг аналитик-синтетик фаолияти, олий нерв фаолиятининг асосий процесслари: қўзғалиш, тормозланиш, иррадиация ва концентрация, уларнинг келиб чиқиш қонуниятлари ҳақида тушунча, шартли рефлексларнинг тормозланиши; катта ярим шарлар қобиғининг сигнал функциялари ҳақида тушунча бериш.

*Олтинчи саволда:* онгга таъриф бериш; онг тузилишини тушунтириш; онглилик ва онгсизлик ҳақида тушунча бериш керак.

## ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ

**М а в з у.** Илмий психологиянинг методологик принциплари ва тадқиқот методлари

### Р е ж а

1. Психологиянинг асосий методологик принциплари ҳақида тушунча.

2. Илмий психологиянинг асосий ва ёрдамчи методлари.

3. Психологик тадқиқотнинг конкрет методикаси ва психологик қонуниятларни аниқлашнинг асосий босқичлари.

### Машғулот саволларига жавоб бериш дастури

*Биринчи саволда:* психологиянинг материалистик монизм, детерминизм, тарихийлик принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги; назария билан амалиётнинг бирлиги; шахсий ёндашиш принциплари ҳақида тушунча берилади.

*Иккинчи саволда:* а) психологиянинг кузатиш методи ва унинг турлари, эксперимент методи ва унинг турлари, психологик тестлар ҳақида тушунча бериш керак;

б) суҳбат методи: фаолият жараёни ва унинг маҳсулини таҳлил қилиш методи; анкета методи ҳақида тушунча бериш керак;

в) социометрик метод ва унинг қўлланилиши ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилади.

*Учинчи саволда:* тадқиқотлар жараёнини баъзи босқичларга бўлиб тушунтириб берилади. Масаланинг қўйилиши; текшириш методикасини танлаш; аниқ маълумотларни тўплаш; уларни ишлаб чиқиш; қонуниятнинг ифодаланиши; унинг амалда қўлланилиши ҳақида тушунча берилади.

**УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у. Психика ва онг тараққиёти**

**Р е ж а**

1. Ҳайвонлар психикаси тараққиётининг асосий босқичлари.
2. Ҳайвонлар хатти-ҳаракатларининг формалари.
3. Инсон онгининг тарихий тараққиёти.

**Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* тараққиётни диалектик материалистик тарзда тушуниш; нерв системаси ва акс эттириш фаолиятининг ривожланиши; жонли ва жонсиз табиятда акс эттириш; таъсирланувчанлик ҳақидаги тушунча тирик материянинг хусусияти эканлиги, психик акс эттириш формасининг пайдо бўлиши, психик тараққиётда сенсор ва перцептив босқичлар ҳақида тушунча берилади.

*Иккинчи саволда:* ҳайвонлар ҳаракатларининг асосий формалари; хатти-ҳаракат формаларининг тараққиёти; ҳайвонларнинг интеллектуал хатти-ҳаракатлари, муносабатлари ва «тили»га характеристика берилади.

*Учинчи саволда:* инсон онгининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари, сабаблари; инсон онгининг ҳайвон психикасидан фарқи; кишиларнинг меҳнат фаолияти ва унинг инсон онги тараққиётидаги роли; онг ва тил орасидаги боғланишлар; онг ва ўз-ўзини англашнинг ижтимоий-тарихий табиати тушунтирилади.

**ТУРТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у. Шахс фаолиятининг психологик характеристикаси**

**Р е ж а**

1. Фаолият ҳақида умумий тушунча.
2. Фаолият турларининг психологик характеристикаси.
3. Малакаларнинг психологик характеристикаси.

**Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* одамнинг хатти-ҳаракати ва унинг эҳтиёжларини қондириш усуллари; фаолиятнинг таърифи, мақсади ва мотиви ҳақида тушунча бериш; фаолият

структураси; иш ва ҳаракатлар; ҳаракатларни бошқариш ва уни назорат қилиш; фаолиятнинг интериоризацияси ва экстериоризацияси, фаолиятнинг инсон психик тараққиётига таъсири ҳақида маълумот бериш керак.

*Иккинчи саволда:* фаолият шахснинг бошқа кишилар билан маълум муносабатлар системасида амалга оширилиши; фаолиятнинг асосий турларидан бири сифатида ўйинга психологик характеристика берилади; ўқиш фаолиятининг психологик хусусиятлари, меҳнат фаолияти ва унинг психологик хусусиятлари тушунтирилади.

*Учинчи саволда:* ҳаракатларнинг автоматлашуви ва малакаларнинг юзага келиши ҳақида тушунча бериш; малакага таъриф бериш; малаканинг тузилиши; ҳаракатларни ижро қилиш усулларининг ўзгариши; ишни бажаришда сенсор, яъни ҳиссий назорат қилиш усулларининг ўзгариши; иш-ҳаракатни марказий бошқариш усулларининг ўзгариши ҳақида тушунча берилади. Фаолиятни ўзлаштириш ва машқлар, машқ эгри чизиқлари ҳақида, кўникма ҳақида, кўникмаларнинг ўзаро таъсири, одатлар ҳақида тушунча бериш зарур.

#### **БЕШИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у.** Социал-психологик категория сифатида мулоқот ҳақида тушунча

#### **Р е ж а**

1. Мулоқот ва унинг турлари ҳақида умумий тушунча.
2. Ахборот алмашиш ва мулоқот.
3. Мулоқот — шахслараро таъсир кўрсатишдир.
4. Мулоқот — кишиларнинг бир-бирларини тушуниб бориши сифатида.
5. Ахборот узатиш ва оммавий ахборот жараёнлари. Ахборот воситалари, уларнинг моҳияти ва самарадорлиги.

**Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* мулоқотга таъриф берилади. Мулоқотнинг планли эканлиги, мулоқот ва фаолиятнинг бирлиги; мулоқот турлари ҳақида тушунча берилади.

*Иккинчи саволда:* мулоқот ахборот алмашиш жараёни, тил эса асосий мулоқот воситаси сифатида тушунтирилади. Нутқнинг тил ёрдамида амалга ошири-

ладиган мулоқот воситаси эканлиги таърифланади, нутқ турлари ҳақида тушунча берилади, нутқ механизми тушунтирилади.

*Учинчи саволда:* мулоқот шахсларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши сифатида таърифланади. Ижтимоий назорат ва ижтимоий меъёрлар, мулоқот жараёнидаги роллар; педагогик жараёнлардаги мулоқотлар; шахсларро низолар; келишмовчиликлар; дўстона мулоқот ҳақида тушунча берилади.

*Тўртинчи саволда:* мулоқот одамларнинг бир-бирларини идрок қилиш воситаси сифатида шарҳланади. Ахборотда тескари алоқа; педагогларнинг болаларни бошқалар билан мулоқотга киришишга ўргатиш бўйича машқ қилдиришлари ҳақида тушунча берилиши керак.

*Бешинчи саволда:* ахборот узатиш — шахснинг йироқдаги кишилар билан бевосита мулоқотда бўлиш йўли эканлиги айтилади. Хат ёзишув, телеграмма, телефонограмма ёзувлари: телефон ва рация суҳбатлари орқали мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мавжуд имкониятлари айтиб ўтилади. Оммавий ахборот воситалари: газета, журнал, радио, телевизор орқали амалга ошириладиган мулоқотларнинг хусусиятлари тушунтирилиб, уларнинг моҳияти, қулай ва самарадорлик жиҳатлари айтиб ўтилиши керак.

### ОЛТИНЧИ МАШҒУЛОТ

**М а в з у. Шахс, гуруҳ ва жамоа ҳақида тушунча**

**Р е ж а**

1. Индивид, шахс, индивидуаллик ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақида тушунча.
2. Шахс фаоллигининг манбаи сифатида эҳтиёж ва унинг турлари ҳақида тушунча. Қизиқиш ва эътиқодлар.
3. Шахснинг таркиб топиши ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
4. Гуруҳ ва жамоанинг ижтимоий-психологик характеристикаси.
5. Жамоа ва шахс.

**Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* индивид ҳақида тушунча, шахс ва унинг структураси, шахсдаги индивидуаллик хусусиятлар, улар ўртасидаги боғланишлар тушунтирилади.

*Иккинчи саволда:* шахс активлиги деб нимага айтилиши; шахс активлигининг манбаи сифатида эҳтиёж ва унинг турлари ҳақида фикр билдирилади; инсон активлиги билан ҳайвон активлигининг фарқи очиб берилди. Меҳнат эҳтиёжларига алоҳида тўхталиш; объект мазмуни ва эҳтиёжлари, хулқ-атвор мотивлари; қизиқишлар, эътиқод, тилаклар, англашилмаган майллар, шахс мақсадлари ва талабларининг даражаси ҳақида қисқача фикр айтилиши керак.

*Учинчи саволда:* одам шахсини шакллантириш қонуниятларининг объектив характери; одамнинг ривожланишида ва шахснинг камолотида биологик ва ижтимоий компонентларнинг роли тўғрисида; одамнинг психик ривожланиши ва шахс камолотидаги ҳаракатлантирувчи кучлар; ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишининг асосий омиллари ва шарт-шароитлари; ҳар томонлама маданиятли кишиларга хос бўлган шахсий сифатлар; шахс активлигининг фрейдистик ва неофрейдистик; бихевиористик концепцияларининг танқиди ҳақида сўз юритилади.

*Тўртинчи саволда:* гуруҳ ва унинг турлари, тузилиши, гуруҳнинг жамоа сифатида ривожланиши ҳақида гапирилади.

*Бешинчи саволда:* шахс билан жамоа ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик характеристикаси; шахсга нисбатан жамоанинг вазифалари; жамоа ва унга раҳбарлик масаласи; лидерлик масаласи; раҳбарлик ва лидерлик шахс билан жамоа ўзаро муносабатларининг зоҳир бўлиши ҳақида сўз юритилади.

## **ЕТТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

### **М а в з у. Тафаккур**

#### **Р е ж а**

1. Тафаккур ҳақида тушунча.
2. Фикр юритиш операциялари.
3. Тафаккурнинг асосий формалари.
4. Тафаккурнинг индивидуаллик хусусиятлари.
5. Тафаккур турлари ҳақида тушунча.

### Машғулот саволларига жавоб бериш дастури

*Биринчи саволда:* тафаккур ҳақида умумий тушунча; тафаккурнинг бошқа психик процесслар билан боғлиқлиги; тафаккурнинг энг мураккаб психик процесс эканлиги; тафаккурнинг нерв-физиологик асослари ҳақида тушунча берилади.

*Иккинчи саволда:* инсоннинг фикр юритиш фаолиятида фойдаланиладиган операциялар; таққослаш, анализ, синтез, мавҳум абстракциялаштириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, туркум синфларга ажратиш кабилар ҳақида тушунча бериш керак.

*Учинчи саволда:* фикр юритиш формаларидан: тушунча ва унинг турлари; ҳукм ва унинг турлари; хулоса ва унинг турлари; тафаккурда муаммоли вазият ва масала; тафаккурда масала ечиш ҳақида тушунча берилади.

*Тўртинчи саволда:* шахсга хос индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда: тафаккурнинг мустақиллиги, эпчиллиги, фикрнинг тезлиги, ҳукм ва хулосанинг асосланиши, ишончлилиги ва ҳоказолар ҳақида тушунча берилиши зарур.

*Бешинчи саволда:* кўргазмали ҳаракат тафаккури; кўргазмали образли тафаккур, конкрет ва мавҳум абстракт тафаккур ҳақида тушунча берилиши керак.

### САҚҚИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ

М а в з у. Хаёл ва ижод назариясининг умумий масалалари

#### Р е ж а

1. Хаёл ҳақида тушунча.
2. Хаёлнинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқаси. Хаёлнинг махсус тури сифатида орзу ҳақида тушунча.
3. Хаёлий образлар яратиш усуллари.
4. Хаёл ва шахс.
5. Инсон ижодий фаолиятида хаёлнинг тутган ўрни ва аҳамияти.

### Машғулот саволларига жавоб бериш дастури

*Биринчи саволда:* хотира тасаввурлари ва хаёлий тасаввурларни қиёслаб, уларнинг фарқи тушунтирилади: хаёл процессига таъриф берилади; хаёлнинг физиологик асоси тушунтирилади.

*Иккинчи саволда:* ихтиёрӣй, ихтиёрсиз хаёл, тасаввур хаёли, ижодий хаёл ҳақида тушунча берилади. Хаёл процессларининг махсус тури сифатида орзу ҳақида тушунча берилади ва унинг ижодий хаёлдан фарқли томонлари ёритилади.

*Учинчи саволда:* хаёл образларини яратишнинг асосий усуллари: кичикни катталаштириш, каттани жуда кичиклаштириш, агглютинация, типиклаштириш каби-лар ҳақида тушунча берилиши керак.

*Тўртинчи саволда:* хаёлнинг шахснинг бошқа психик жараёнлари ва хусусиятлари билан боғлиқлиги; кишининг ақли билан хаёли ўртасида боғлиқлик мавжуд эканлиги; хаёлнинг шахс иродавий сифатлари ва ҳиссиётлари билан боғлиқлиги; хаёлнинг хусусиятлари шахснинг маънавий қиёфаси тўғрисида ҳукм чиқариш учун имкон бера олиши мумкинлиги ҳақида тушунча бериб кетиш керак.

*Бешинчи саволда:* хаёл процессининг санъат, меъморчиликдаги, техникавий ва илмий ижодиётдаги, бадий фаолият, педагогик фаолият ва бошқа соҳалардаги аҳамияти очиб берилиши керак.

### **ТУҶҚЗИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Шахснинг эмоционал-иродавий хислатлари**

##### **Р е ж а**

1. Ҳиссиёт ва эмоциялар ҳақида тушунча.
2. Ҳиссиёт ва эмоцияларнинг нерв-физиологик асослари.
3. Эмоционал ҳолатлар ва шахснинг эмоционал хусусиятлари.
4. Ирода ҳақида тушунча.
5. Ирода акти ва унинг тузилиши.
6. Шахснинг иродавий сифатлари ва унинг таркиб топishi.

#### **Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* эмоция ва ҳиссиётнинг табиати ва моҳияти; ҳиссиёт ва эмоциянинг мазмуни, ўзаро алоқадорлиги ҳақида тушунча берилади.

*Иккинчи саволда:* ҳиссиёт ва эмоцияларнинг кечишида бош мия қобиғи, қобиқ ости ва нерв системасининг бошқа боғланишларининг роли тўғрисида ҳозирги



замон физиология фани ва И. П. Павлов таълимоти тушунтирилиб бериллади.

*Учинчи саволда:* эмоционал ҳолатлар; кайфият, аффект, қўрқиш, ҳаяжонланиш, фрустрация, режаларнинг бузилиб, мақсаднинг йўқ бўлиб кетиши ҳақида тушунча бериллади. Одам билиш фаолиятининг эмоционал ҳолатлари таъсири, эмоционал ҳолатларда шахснинг ўзини бошқариши тушунтирилади.

Интеллектуал, ахлоқий, маънавий-сиёсий, эстетик, ватанпарварлик, ўртоқлик, дўстлик ҳиссиётлари ҳақида, инсон фаолияти ва ҳаётида ҳиссиётнинг аҳамияти тўғрисида тушунча берилиши керак.

*Тўртинчи саволда:* ихтиёрсиз, ихтиёрий, иродавий ҳаракатлар тўғрисида тушунча бериш; шахснинг иродавий фаолияти, иродавий фаолиятнинг муҳим хусусиятларини тушунтириш кўзда тутилиши керак.

*Бешинчи саволда:* ирода актнинг звенолари; ироданинг мақсади ва мотивлари; мотивлар кураши; иродавий зўр бериш; қарорга келиш; қарорни ижро этиш ҳақида тушунча берилиши лозим.

*Олтинчи саволда:* шахснинг иродавий сифатлари, мустақиллиги, таъсирчанлик, дадиллик, журъатсизлик, қатъийлик, қайсарлик, ўзини тута билиш, матонатлик, эсанкираш ва шунга ўхшаш сифатларни таърифлаш зарур.

### **ҲУНИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавазу. Характер ва унинг таркиб топиши**

##### **Режа**

1. Характер ва унинг тузилиши ҳақида тушунча.
2. Характер, психологик ҳолат ва шахснинг бошқа хусусиятлари.
3. Характернинг таркиб топиши ва ривожланиши.

#### **Машғулот саволларига жавоб бериш дастури**

*Биринчи саволда:* характер ҳақида умумий тушунча; характернинг физиологик асослари; характернинг хислатлари; характер хислатларининг табиати; характернинг типик ва индивидуал хусусиятлари; яхлит тушунча сифатида характернинг тузилиши, характернинг ахлоқий ва иродавий сифатлари ҳақида тўхталиш керак.

*Иккинчи саволда:* шахснинг мақсади характер компонентидир: психик ҳолат ва характер; характер ва тем-

перамент; характер ва ирода; характер ва қобилиятларнинг ўзаро алоқадорлик томонлари тушунтирилади.

*Учинчи саволда:* киши характерининг ривожланишида ижтимоий ва табиий-тарихий ва онтогенетик омилларнинг роли: характер ривожланишининг ёш хусусиятлари; характернинг шаклланишидаги асосий шартлар; ўқувчининг ўз-ўзини тарбиялаши ҳақида тушунча берилади.

## УН БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

### М а в з у. Қобилиятлар ҳақида тушунча

#### Р е ж а

1. Қобилиятлар ҳақида умумий тушунча.
2. Қобилиятларнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан характеристикаси.
3. Қобилиятлар ва касб танлаш масалалари.
4. Қобилиятларнинг таркиб топиши.

#### Машғулот саволларига жавоб бериш дастури

*Биринчи саволда:* қобилият ҳақида умумий тушунча, таъриф берилади. Одам қобилиятининг тарихий ва ижтимоий манбалари; қобилият ва билим, малака, маҳоратларнинг ўзаро алоқадорлиги; шахс қобилиятининг, майллар ва қизиқишлар билан боғлиқлиги; қобилиятни тадқиқ этиш вазифалари ҳақида тўхталиш зарур.

*Иккинчи саволда:* қобилиятнинг етишмайдиган элементларини ўрнини тулдириш имконияти, қобилиятнинг ривожланиши; қобилият диагностикасида тестлардан фойдаланишга танқидий ёндашиш; гениалликнинг намоён бўлишидаги сабаблар ҳақида тушунча берилади.

*Учинчи саволда:* ўқувчилар қобилиятини диагностика қилиш; қобилиятни таркиб топтиришга индивидуал ёндашиш; ўқувчиларни касбга йўналтириш; касбга мослаштириш, адаптациялаш, мустақил касб танлашга ўргатиб бориш зарурлиги ҳақида фикр юритилади.

*Тўртинчи саволда:* қобилиятларнинг таркиб топиб бориш шарт-шароитлари; ўқувчи қобилиятларини ривожлантиришда ўқитувчининг роли; ўқув фаолияти жараёнида ўқувчилар қобилиятини ривожлантиришининг асосий шартлари ҳақида фикр билдирилиши лозим.

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Лаборатория машғулотлари мавзулари

Тартиб номери	Машғулотлар мавзуси ва режаси	Уқув семестри	Ажратилган соатлар
I	<i>Диққат</i>	I	2
1	Диққатнинг кўлами (ҳажми) ва аниқлиги		
2	Диққатнинг кучиши		
3	Диққатнинг тақсимланиши		
II	<i>Сезгилар</i>	I	2
1	Мускул сезгисининг фарқ қилиш чегараси		
2	Тери ва бадан сезгиси		
3	Тери сезгисининг мутлоқ (абсолют) чегараси		
4	Кўриш сезгисининг ва ранглар контрастининг ҳосил бўлиш қонуниятлари		
III	<i>Идрок</i>	I	2
1	Идрок жараёнида апперцепциянинг роли		
2	Вақтни ва фазони идрок қилиш		
3	Тери-туйғу (тактил) ва кўрув идроки		
IV	<i>Хотира</i>	II	2
1	Ихтиёрсиз эсда қолдириш		
2	Бевосита эсга тушириш		
3	Мантиқий ва тушунмасдан (механик) амалга ошириладиган хотира		
4	Образли хотира ва хотира тасавури		
V	<i>Темперамент ва характер</i>	II	2
1	Темперамент хусусиятлари		
2	Темперамент типлари		
3	Уқувчи характери		
	Жами:		10 соат

**БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у. Диққат**

**1. Диққат, унинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги роли ҳақида қисқача тушунча**

Бизни ўраб турган ташқи оламнинг жуда кўп нарса ва ҳодисалари ҳар бир дақиқада бизга таъсир этиб туради. Аммо уларнинг ҳаммаси бир хил аниқликда акс эттирилавермайди.

Бизни ўзига кўпроқ жалб қилган, қизиқтирган ва бизнинг манфаатимиз билан боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисаларга биз ўз диққатимизни қаратамиз. Диққатимиз қаратилган нарса ва ҳодисалар эса айни шу оннинг ўзида таъсир этиб турган нарсаларга нисбатан равшанроқ акс эттирилади. Бошқалари шунчаки, жуда хира акс эттирилади ёки умуман акс эттирилмайди. Бунинг сабаби, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга киши диққатининг қай даражада қаратилганлиги билан боғлиқдир.

Диққат — онгимизнинг муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолатдир. Онгимиз йўналтирилган нарсалар диққатнинг объекти деб аталади. Обьектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, шунингдек, субъектив кечинмаларимиз, таассуротларимиз диққат объекти бўлиши мумкин. Диққат ақл, ҳиссиёт ва ирода сингари мустақил онг соҳасини ташкил қилмайди, у ҳар бир онг функцияси билан биргаликда намоён бўлади; шахс диққат билан идрок, тасаввур ва тафаккур қилади, диққат билан эса қолдирилади ва эсга туширади.

Диққатда онгнинг воқеликка нисбатан танлаб муносабатда бўлиш хусусияти намоён бўлади: биз бирор объектга диққат қилар эканмиз, онгимизда фақат шу объектнинг ўзинигина акс эттириб, айни вақтда қолган нарса ҳамда ҳодисаларни онг доирасидан четда қолдирамиз.

Диққатнинг физиологик асоси қўзғалиш процесси-

---

<sup>1</sup> Тажрибалар учун ишланмаларни тайёрлашда қуйидаги қўлланмадан ижодий равишда фойдаланилди. Практические занятия по психологии. Под ред. А. В. Петровского. М., 1972, 54—72, 72—77, 78—84, 82—102, 135—165-бетлар.

нинг бош мия ярим шарлар қобигининг айрим участкаларида тўпланиши натижасида оптимал қўзғалиш ўчоғининг ҳосил бўлиши ва айни вақтда маиший индукция қонунига биноан мия қобигидаги бошқа нерв марказларининг маълум даражадаги тормозланишидир.

Диққат ҳар қандай фаолиятимизнинг доимий йулдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаёти ва фаолиятдаги роли ҳам бениҳоя катта. Чунки энг содда иш-ҳаракатлардан тортиб, энг мураккаб илмий ишларни ҳам диққатнинг доимий иштирокисиз мутлақо бажариб бўлмайди.

## 2. Диққатнинг турлари ва хусусиятларининг қисқача таърифи

Диққат ўзининг активлигига қараб: ихтиёрсиз, ихтиёрлий ва ихтиёрлийликдан сўнгги; объектига қараб: ташқи, ички; фаолият формасига қараб: индивидуал диққат, гуруҳ ва жамоа диққати деган турларга бўлинади.

Ихтиёрсиз диққат — онгимизнинг олдиндан белгиланган мақсадсиз равишда муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишдан иборатдир. Ихтиёрсиз диққат объектлари нарса ва ҳодисаларнинг одатдан ташқаридаги ҳолати, белгиси, сифати ва бошқалардир.

Онгнинг олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ иродавий ва асабий активлик кўрсатган ҳолда муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишига ихтиёрлий диққат деб айтилади.

Психик фаолият, онгининг муайян объектга аввало ихтиёрлий равишда қаратилиб, сўнгра унинг аҳамияти тушунилган сари ўз-ўзидан қаратилиб, бориладиган диққат тури — ихтиёрлийликдан сўнгги диққат деб айтилади.

Ташқи диққат деб онгимизнинг объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларнинг айрим белги ва хусусиятларига йўналтирилиши, уларда актив тўпланишига айтилади.

Ички диққат эса онгимизнинг ўз субъектив таассуротларимиз, ҳис-туйғуларимиз ва интилишларимизга қаратилишидан иборатдир.

Биргина киши онгининг муайян объектга қарата йўналтирилиши ва унда тўпланишига индивидуал;

бир гуруҳ, кўпчилик кишилар онги, психик фаолиятининг бирор объектга қарата йўналтирилиши ва шу объект устида тупланишига жамоа диққати деб юритилади.

Диққат баъзи бир хусусиятларга эга бўлиб, ҳар хил одамларда турлича даражада кўзга ташланади. Диққатнинг хусусиятлари унинг барқарорлиги, ҳажми, бўлиниши, кучирилиши кабилардир.

*Узоқ муддатгача бир нарса ёки бир иш фаолият устида тўхтаётган олган диққат барқарор диққат дейилади.*

Диққатнинг ҳажми (кўлами) деб бир вақтнинг ўзида қамраб олиши мумкин бўлган мустақил объектлар миқдори билан белгиланадиган хусусиятига айтилади.

Диққатнинг бўлиниши деганда биз айтиб бериш вақтида диққатимизнинг икки ёки ундан ортиқ объектга қаратилишини тушунаемиз.

Диққатни онгли равишда ва ўйлаб бир нарсдан бошқа нарсага ўтказиш диққатнинг кучирилиши дейилади.

### 3. Диққатнинг хусусиятлари устида ўтказиладиган тадқиқотлар

#### 1. Диққатнинг кўлами (ҳажми) ва аниқлиги

**Тадқиқот мақсади:** тахистаскоп методикаси ёрдамида диққатнинг ҳажми (кўлами) ва аниқлигини текшириб кўриш.

**Тадқиқот учун зарур асбоб ва жиҳозлар:** тахистаскоп<sup>1</sup> ёки эпидиаскоп. Ҳар бирида саккизтадан ундош ҳарфлар акс эттирилган 5 дона карточкалар.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширилувчи асбобдан 0,5 м масофада жойлашади ва диққатини бир жойга туплаган ҳолда тавсия қилинаётган кўзғовчига қарайди. Дастлабки «Тайёрланинг!» хабари (сигнали) берилгандан сўнг тадқиқотчи «Бошладик!» деб асосий хабар (сигнал) ни беради ва тахистаскопдаги ҳаракатлантирувчи меха-

<sup>1</sup> Тахистаскоп сўзи — юнонча бўлиб, «тахус» — тез, «скопес» — кўраман, «тез кўраман» деган маънони англатади. Текширилувчига ўта қисқа вақт бирлигида (0,001 секундгача) мақсадга мувофиқ равишда тузилган сузлар, ҳарфлар, расм ва рақамларни кўрсатиш орқали идрок, диққат ва хотиранинг баъзи хусусиятларини текширадиган асбоб.

<sup>2</sup> Эпидиаскоп — экранга ёруглик бериш орқали тасвир туширадиган оптик асбоб.

низмни босади. Текширилувчи тахистаскопда кўрсатилаётган ҳар бир карточкани кузатиб, унда қанақа ҳарфлар ва қандай изчилликда ёзилганлигига эътибор бериб боради. Сўнгра илғаб қолган ҳарфларни ёзади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш:** ўтказилган тажриба натижалари қуйидагича чизма тасвирдаги қарорда қайд этилиб, таҳлил қилиб чиқилади.

1- қарор

Тажриба мавзуи: Диққатнинг кўлами ва аниқлигини текшириш

Текширувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тавсия қилинган кўзғовчининг №	Тавсия қилинган кўзғовчи	Текширилувчидан олинган натижа	Диққатнинг ҳажми	Диққатнинг аниқлиги	Диққатнинг хатоси	Текширишнинг хулосаси
1	ЭФМЖБҚЛТ	ЗХСЛФБ	5	2	1	

Диққатнинг хатоси деганда текширилувчининг тавсия қилинган кўзғовчини идрок қилишда юз берган янглишлик (иллюзия) тавсия қилинган ҳарфлар орасида йўқ бўлганларини бор деб идрок қилиши тушунилади. Мазкур тажрибада бу ҳарф «х»дир. Диққатнинг аниқлиги 2 рақами билан белгиланади, чунки фақат икки ҳолатдагина изчиллик рўй берган; «3» ҳарфи карточкадаги ҳарфлар қаторида биринчи уринда кўрсатилган; «Л» ҳарфи «С»дан кейин жойлашган эди, текширилувчи ҳам уни худди шундай тартибда қайд қилган. Диққат кўламининг миқдори номлари тўғри топилган ҳарфларнинг сони (мазкур ҳолда 5 та) катта одамлар учун 3—5 ундош ҳарфлар билан белгиланган.

Тадқиқотчи текширилувчилар билан 5 та тажриба

ўтказиб, ҳосил бўлган натижаларни чизма тасвирдаги қарорнинг ҳар бир катаклари графаси бўйича ҳисоблаб чиқади ҳамда жамланган рақам (йиғинди) ни ўтказилган тажрибалар сонига бўлади. Шундай қилиб, диққатнинг ҳажми, аниқлиги ва хатосига оид ўртача арифметик қийматни белгилаб чиқади.

## 2. Диққатнинг кўчиши

**Тадқиқотнинг мақсади:** қора-қизил рангли рақамлардан тузилган жадвал ёрдамида диққатнинг кўчиш хусусиятини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур асбоб ва жиҳозлар:** секундомер ва ранг жиҳатидан бир-бирига уйғун бўлмаган, бетартиб ҳолда, мантиқий эса сақлаб қолишнинг олдини олиш мақсадига мувофиқлаштирилган тартиб (комбинация) да тузилган 1 дан 25 гача ва 1 дан 24 гача қизил рангли рақамлар (текширилувчи олдиндан тайёрлаган) жадвали.

**Тадқиқотнинг бориши:** тадқиқот уч серияда ўтказилади.

**Биринчи серия.** Бунда тадқиқотчи текширилувчига жадвалдаги қора ранг билан ёзилган 1 дан 25 гача бўлган рақамларни ўсиб борувчи тартибда кўрсатиб беришни таклиф қилади. Қарор ёзиб борувчи эса текширилувчи бу топшириқни қанча вақт ичида ижро этишни секундомер воситасида аниқлаб, ёзиб боради.

**Иккинчи серия.** Тадқиқотчи текширилувчидан жадвалдаги қизил рақамларни 24 дан 1 гача камаювчи тартибда кўрсатиб беришни таклиф қилади. Қарор ёзиб борувчи эса худди олдинги сериядаги каби текширилувчининг топшириқни бажариш учун сарфлаган вақтини аниқлаб, ёзиб боради.

**Учинчи серия.** Бунда текширувчи текширилувчига бир вақтнинг ўзида галма-гал: қора рақамларни кўпайиб борувчи, қизил рақамларни камайиб борувчи тартибда кўрсатиб беришни таклиф қилади. Қарор ёзиб борувчи топшириқнинг характери, унинг бажарилиши учун кетган вақт ва йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, қарорда қайд этади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш:** қарор юри тувчининг ёзувлари асосида учала сериядаги топшириқни бажариш учун текширилувчи қилган вақт ва йўл қўйган хатоларини қўйидаги қарор жадвалида қайд этилиб қўйилади.



2-қарор

Тажириба мавзуси: Диққатнинг кўчишини текшириш

Текширувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Кўрсаткичлар	1-серия	2-серия	1--2-серия	3-серия
Вақти Хатолари				

Учинчи серияда бажарилган топшириқ учун сарфланган вақт, гарчи қолган иккала серияларда ҳам худди шу хил топшириқ бажарилгандек кўринса-да, олдинги икки сериядаги топшириқларни бажариш учун сарфланган вақт билан учинчи серияда бажарилган топшириқ учун сарфланган вақт тенг эмас. Ана шу иккала вақт кўрсаткичлари орасидаги фарқ мазкур текширилувчи диққатининг кўчирилиш вақти, яъни бир фаолиятдан иккинчи бошқа бир фаолиятга ўтиш вақти бўлиб ҳисобланади.

### 3. Диққатнинг тақсимланиши

**Тадқиқотнинг мақсади:** таҳрир (корректурa) синови методи орқали диққатнинг тақсимланиш хусусиятини текшириб кўриш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳоз:** таҳрир (корректурa) синови учун ҳарфлар қаторидан ташкил топган (тадқиқотчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган) бланкалар.

**Тадқиқотнинг бориши:** тажириба 3—5 минутлик танаффус билан кетма-кет равишда ҳар бири 5—7 минут давом этадиган икки серияда ўтказилади.

Биринчи серияда текширилувчи ҳарфлар қаторидан иборат бўлган таҳрир (корректурa) бланкасига диққат билан куз югуртира бориб, иложи борича тез ва аниқ «с» ва «б» ҳарфларини чизиқ билан ўчириб чиқиши, «к» ҳарфининг тагига эса горизонтал чизиқ чизиши лозим.

Тадқиқотчининг ишораси билан текширилувчи ҳар

бир минут вақт ўтгандан кейин қаторларда вертикал чизиқ чизади, бу эса текширилувчининг иш маҳсулдорлиги динамикасини ҳисобга олишга имкон беради.

Иккинчи серияда текширилувчи олдин бажарган топшириқни янги таҳрир бланкасида бажаради. Шу билан бирга текширилувчи жуфт ёки тоқ сонларни овоз чиқариб айтиб боради.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш:** қарор ёзувчи ҳар иккала сериядаги бажарилган топшириқларнинг характерини, иккала сериядаги йўл қўйилган хатолар сонини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқиб, ҳар иккала сериядаги бажарилган топшириқларнинг умумий сонини аниқлаб, бир-бирига таққослайди. Шу йўл билан киши диққатининг тақсимланиш хусусиятига оид дастлабки муҳим хулосани келтириб чиқарилади.

Ўқитувчи диққат темаси бўйича студентлар билан ўтказилган барча тажрибалар ҳақида хулоса чиқариб, машғулотни яқунлайди.

### **ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Сезги**

##### **1. Сезги ҳақида умумий тушунча**

Сезги акс эттириш жараёнларидан биридир. Теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар хил аъзоларга бевосита таъсир этиб туриши натижасида уларнинг турли белги ва хоссаларининг мияда акс эттирилиш жараёнига *сезги* деб айтилади. Масалан, сезгилар орқали нарсаларнинг ранги, шакли, мазаси, вазни, ҳиди, товуши, ботиши ва ҳоказоларни акс эттириш мумкин. Сезгилар объектив оламнинг субъектив образидир, инсон билимларининг манбаидир.

Сезгининг физиологик асоси анализаторлардир. Анализаторлар ташқи ва ички муҳитдан келадиган таассуротларни қабул қилиб олиб, физиологик процесс бўлган қўзғалишни психик процессга, яъни сезгиларга айлантирувчи нерв механизмлари системасидир. Анализаторлар уч қисмдан иборат бўлади: таассуротни қабул қилиб олувчи рецепторлар, рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалишни тегишли нерв марказларига элтадиган ўтказувчи нерв йўли ва қўзғалишни психик процессга айлантирувчи орқа мия ёки бош миядаги тегишли нерв марказлари. Анализаторларнинг бирор қисми зарарланса ҳам тегишли сезги ҳосил бўлмайди. Барча сезги

аъзоларимиз анализаторларнинг рецептор қисмларини ташкил қилади. Анализатор ҳақидаги таълимотни И. П. Павлов яратган.

Сезгиларни: экстерорецептив (ташқи), интерорецептив (ички), проприорецептив (кинестезик ёки ҳаракат, мувозанат) сезги каби туркумларга ажратиб, классификация қилиб ўрганилади.

Экстерорецептив (ташқи) сезгилар организмнинг юза, хорижий қисмида жойлашган аъзоларида ҳосил бўлиб, уларга: кўрув, эшитув, ҳид, маза билиш каби сезгилар киради. Ташқи сезгилар орқали нарсаларнинг сифат ва хусусиятлари акс эттирилади.

Интерорецептив сезгилар интерорецепторлар ёрдамида ҳосил бўлган сезгилардир. Бу сезгини ички сезги деб ҳам юритилади. Интерорецептив сезгилар ички органларининг ҳолатини: оғриқ, чанқаш, очқаш, қониқиш, тўйиш, кўнгил айниш, ичнинг бузилиши ва ҳоказоларни акс эттиради.

Проприорецептив сезгилар проприорецепторлар ёрдамида ҳосил бўладиган турли гавда ҳаракатларини амалга оширишда, уйғунлаштиришда, мувофиқлаштиришда, организмнинг фазодаги ҳолатини, айниқса мувозанатини сақлашда актив иштирок этадиган сезгилардир. Бу сезгиларнинг аъзолари мускуллар, пайлар ва бўгинларда жойлашган бўлади.

Сезгиларимиз бизга теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида дастлабки ахборотларни етказиб турувчи каналлар бўлиб хизмат қилади.

## 2. Сезгирлик ва унинг чегаралари ҳақида қисқача тушунча

Барча аъзолардаги сезгирлик ўзининг муайян чегарасига эга бўлади. Сезги, абсолют, мутлақ; фарқ қилиш; юқори чегарага эга бўлади.

Сезгининг абсолют, мутлақ чегараси; билинар-билинмас муайян сезги ҳосил қилувчи минимал даражада кучга эга бўлган қўзғовчи миқдордир. Шу миқдорга етмаган қўзғовчилар сезги ҳосил қилмайди. Сезгилар мутлақ чегарасининг миқдори сезги органларининг мутлақ сезгиларини сифатлайди. Сезгининг мутлақ чегараси қанчалик паст бўлса, мутлақ сезгирлик шунчалик юқори бўлади.

Сезгининг мутлақ чегарасини эшитиш сезгиси мисолида тушунтирадиган бўлсак, мутлақ эшитиш товуш-

лардаги энг нозик ўзгаришларни сезиш, тасаввур қилиш ва эсда қолдира билишдан иборат нодир истеъдоддир. Мутлақ эшитиш кишилардаги мусиқа қобилиятининг асосини ташкил қилиб, айрим ижрочиларда ўта даражада ривожланган бўлади.

Сезгининг фарқланиш чегараси таассурот кучининг сезгиларда билинар-билинмас ўзгариш ҳосил қилувчи минимал даражадаги ўзгаришидан иборатдир.

Сезгиларнинг юқори чегараси эса қўзғовчи кучининг максимал даражада ортиши натижасида сезгилар кучининг тегишли анализаторларда оғриқ ҳосил қилиш томонига қараб ўзгаришидир. Масалан, ҳаддан ташқари ёруғлик айтайлик, пайвандлашда чиқадиган ёруғлик кўзда оғриқ сезгисини ҳосил қилади. Агар қўзғовчи кучи сезгининг юқори чегарасидан ортса, сезги органлари зарарланиши ёки бутунлай ишдан чиқиши мумкин.

### 3. Сезги чегараларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказиш

#### Мускул сезгисининг фарқлаш чегараси

**Тадқиқотнинг мақсади:** ҳар хил оғирликдаги қадоқ тошлар ёрдамида мускул сезгисининг фарқлаш чегарасини аниқлаш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** 1 граммдан 500 граммгача бўлган ҳар хил қадоқ тош ва металл пластинкалар.

**Тадқиқотнинг бориши:** текширилувчи кўзи юмук ёки боғлаб (бекитиб) қўйилган ҳолда ўнг ва чап қўлига биттадан қадоқ тошни олиб, уларнинг вазнини чамалайди. Ҳар иккала қўлидаги тошни у қўлдан бу қўлига алмаштириб, чамалаб, салмоқлаб кўриши ҳам мумкин. Дастлаб ҳар иккала қўлидаги тошнинг вазни баравар (масалан, 600 граммдан) бўлиши керак. Текширилувчининг бир қўлидаги қадоқ тош таққослаш учун ўзгармас меъёр бўлиб хизмат қилса, иккинчи қўлидаги қадоқ тош секин-аста (1, 2, 3 ва ҳоказо граммга) орттириб борилади ва тошларнинг қай бири оғирлашганини текширилувчидан дамба-дам сўраб турилади. Муайян вақтларгача текширилувчи иккала қўлидаги қадоқ тошларнинг вазндаги ўзгаришини сезмайди. Ниҳоят, у бир қўлидаги тош иккинчи қўлидагига нисбатан оғирлашганини айтади. Текширилувчи томонидан пайқаб олинган қўшимча оғирлик миқдори ундаги мускул сезгисини фарқлаш, чегара кўрсатгичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар

бир текширилувчи берган кўрсаткичлар қарорда қайд этиб борилиши керак.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш:** ўтказилган тадқиқот натижаси қуйидагича қарорлаштирилиб, таҳлил қилиниши мумкин.

### 3- ҳ а р о р

Т а ж р и б а м а в з у с и: **Мускул сезгисининг фарқлаш чегарасини текшириш**

Текширувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тартиб	Тавсия қилинган кўзғовчи (грамм ҳисобида)		Текширилувчидан олинган кўрсаткич
	донмий	ўзгарувчи	
1.	600	601	тенг
2.	—>—	602	—>—
3.	—>—	603	—>—
4.	—>—	604	—>—
5.	—>—	606	—>—
6.	—>—	610	—>—
7.	—>—	612	—>—
8.	—>—	615	—>—
9.	—>—	617	—>—
10.	—>—	618	—>—
11.	—>—	619	—>—
12.	—>—	620	ўнг қўлимдаги оғир
13.	—>—	620	—>—
14.	—>—	620	—>—

Мазкур тажрибанинг кўрсатишича, текширилувчининг мускул сезгисидagi фарқ қилиш чегараси 20 граммга тенг. Бу миқдор дастлабки тавсия қилинган 600 граммлик вазнининг 1,30 қисмини ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳар хил одамда бошқа-бошқа чиқиши табиийдир. Чунки одамнинг ёши, тажрибаси, ҳатто шуғулланадиган иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда сезгирлик чегараси ҳам ўзгариб боради.

### 2. Одамнинг тери ва бадан орқали сезишини текшириш

**Тадқиқотнинг мақсади:** студентларга инсоннинг бишлиш фаолиятида сезгининг ролини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** унчалик катта бўлмаган оддий буюм (предмет): калит, резина, бўр, тугма, илматугма кабилар.

**Тадқиқотнинг бориши:** тадқиқот икки серияда ўтказилади. Биринчи серияда текширувчи текширилувчига орқа ўгириб, қарамай туришни таклиф қилади ва дастлаб текширилувчининг бармоқлари ортига, кейин кафтига — бармоқлари учига калит, резина ёки илматугмани қўяди. Ҳар сафар текширилувчига қараб: «Ушбу буюм ҳақида нима дейишингиз мумкин?», — деган саволни бериб боради. Текширилувчи томонидан берилган жавобларни бутун группа ёзиб боради.

Тадқиқотнинг иккинчи сериясида тадқиқотчи текширилувчига предметни ушлаб кўришни таклиф қилади ва биринчи серияда ўтказилган тажриба жараёнидаги саволга жавоб беришни сўрайди. Текширилувчининг берган жавобларини бу сафар ҳам бутун группа ёзиб боради.

Ҳар бир тажрибани дастлаб психология ўқитувчисининг ўзи ўтказиб кўрсатади. Сунгра студентларнинг ўзлари мустақил ўтказадилар.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш: ўтказилган биринчи сериядаги тажриба юзасидан студентлар шундай хулосага олиб келинади: синалувчи кишида бир-биридан ажратилган алоҳида-алоҳида сезгилар пайдо бўлади. Бу сезгилар предметнинг нима эканини билишга имкон бермайди. Унинг фақат айрим хусусиятларини акс эттиради: «қандайдир бир енгил нарса», «юмшоқ бир нарса», «совуқ нарса», «металл буюм» ва шунга ўхшаш жавоблар берилади.

Иккинчи серияда ўтказилган тажрибанинг кўп ҳолларида синалувчилар предметнинг нима эканлигини айтиб берадилар. Чунки предмет комплекс қўзғатувчи сифатида бадан орқали сезиш ёрдамида идрок этилади. Бунда фақат тери сезгиларигина эмас, балки кинестезик анализаторлар ҳам ишга тушади ва билиш аппаратлари ҳаракатга келтирилган бўлади.

### 3. Тери сатҳи сезгиларининг мутлақ чегараси

**Тадқиқотнинг мақсади:** эстеziометр (тери сезгирлигини ўлчайдиган асбоб) ёрдамида тери сезгисининг мутлақ чегарасини аниқлаш.

**Тадқиқот учун зарур асбоб ва жиҳозлар:** эстеziо-

метр. Бу асбоб ташқи кўриниш жиҳатидан штангенциркуль (бирор деталнинг қалинлиги, йўғонлиги ёки ички диаметрини ўлчайдиган асбоб) ни эслатади.

Эстеziометр — миллиметрларга ажратиб чиқилган металл стержень (таёқча); стерженнинг ноль бўлмаси томонига ўрнатилган қўзғалмас оёқча: миллиметр бутун қисми бўйлаб ҳар иккала томонга суриш мумкин бўлган — ҳаракатланувчи оёқчалардан тузилган асбобдир. Тадқиқот жараёнида эстеziометрнинг қўзғалувчи оёқчасини суриш орқали иккала оёқча оралиғидан зарур бўлган кенгликни танлаш мумкин.

**Тадқиқотнинг бориши:** тадқиқот икки серияда ўтказилади. Биринчи серия. Тажриба жараёнида текширилувчининг кўзлари юмуқ ёки боғлаб қўйилган бўлиши керак. Шунингдек, бармоқларининг териси таранглашмаган ҳолатда бўлиши учун унинг қўли тирсагига таяниб туриши керак. Текширувчи эстеziометр оёқлари оралиғини муайян даражада очгани ҳолда уни текширилувчи панжаларининг сиртига енгил теккизиб: «Нечта нарсанинг тегаётганини сезаяпсиз?»,— деб сўраб боради. «Иккита нарсанинг тегаётганини сезаяпман»,— деган жавобни бергунга қадар эстеziометр оёқчалари оралиғини кам-камдан қисқартириб боради.

Тажрибанинг иккинчи сериясида аксинча: асбоб оёқчаларининг оралиғини муайян кенгликда (масалан 40 мм) очилгани ҳолда текширилувчининг қўл панжалари ортига теккизиб, биринчи серия текширишида берилган саволни такрорлайди ва ниҳоят, текширилувчининг: «Битта нарса тегаётганини сезаяпман»,— деган жавобига қадар оёқчалар оралиғини кам-камдан қисқартириб боради.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш:** тажрибалар ҳақидаги рақамли маълумотлар 31-бетдаги жадвалда қайд этилади.

Тери сатҳидаги сезгирлик чегарасининг катта-кичиклик ўлчамини қуйидагича формула орқали аниқлаш мумкин:

$$E = \frac{E_1 + E_2}{2} = \frac{17 + 1}{2} = 18,0.$$

Бунда  $E_1$  ва  $E_2$  биринчи ва иккинчи серия тажрибадаги қўзғовчи таъсири орқали аниқланган сезги чегарасининг даража кўрсаткичларидир.

Тавсия қилинган кўзғовчи	Текширилувчидан олинган кўрсаткич		Изоҳ Тадқиқотчининг дастлабки хулосаси
	↑	↓	
0		1	
2		1	
5		1	
7		1	
9		1	
11		1	
12		1	
13		1	
14		1	
15		1	
16			
17		2	
18	1		
19	2		
20	2		
21	2		
22	2		
23	2		
24	2		
25	2		
26	2		
30	2		

Тажрибалар сўнггида барча текширилувчилардан олинган жузъий натижалар жамланиб, чиққан натижани барча текширилувчилар сонига бўлиш йўли билан сезгининг мутлақ чегарасининг ўртача арифметик қиймати келтириб чиқарилади. Жузъий натижаларни эса группа бўйича чиқарилган ўртача қиймат билан таққослаб кўрилади. Агар уларда фарқ бўлмаса, у ҳолда жадвалдаги «Изоҳ» жойи буш қолдирилади. Агар ўртача қийматдан фарқланса, у ҳолда бундай фарқланишнинг сабабларини қисқа қилиб жадвалнинг «Изоҳ» бўлмасига қайд этиб қўйилади. Сезгирлик сусайишининг сабабларидан бири чарчаш, яъни шахснинг умумий ҳолати, шунингдек, айрим органларнинг ҳолати билан боғлиқ бўлади.

Студентлар жузъий натижа билан ўртача қийматни солиштириб кўриш орқали мустақил хулоса чиқарадилар.



#### 4. Кўриш сезгисидан изчил ранглар контрастининг ҳосил бўлиш қонунияти

**Тадқиқотнинг мақсади:** кўриш сезгисидан ранглар контрастининг ҳосил бўлишини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** катталиги 48×64 см бўлган оқ қоғоз варақлари; уларга 15×15 см катталикидаги яшил, қизил, кўк, сариқ рангли квадратлар қирқиб ёпиштирилган, оқ рангли экран.

**Тадқиқотнинг бориши:** тажрибани табиий кундузги ёруғлик шаронтида ёки кундузги ёруғликка яқин бўлган нур таратадиган лампалар ёруғлигида ўтказилади.

Тажрибада иштирок этаётган студентлар хонада шундай ўтказиладики, уларнинг ҳар бирига рангли квадрат тўппа-тўғри кўриниб турадиган бўлсин.

Квадратлар улардан 4 м гача узоқликда ўрнатилади. Студентларга 20—40 секунд мобайнида рангли квадратларга тикилиш, кейин эса ўз нигоҳини экранга кучириш ҳамда унда рангли квадрат пайдо бўлмагунча нигоҳни узмай туриш таклиф қилинади. Бунда турли кишиларда изчил ранглар контрасти турлича кечишини таъкидлаб ўтиш зарур.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган барча рангдаги квадратлар билан тажрибани такрорлаш зарур.

Тажрибалар тамом бўлгандан кейин уларнинг натижаларини ёзиб олиш, ёзилаётган квадрат рангини белгилаш ҳамда изчил контрастда пайдо бўлаётган ранглар тонини кўрсатиб ёзиш зарур. Бунда изчил контрастлар ҳаракатдан кейинги ҳодиса натижаси эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Қўзғовчи таъсирининг тўхташи рецептордаги қўзғалиш жараёнини ҳамда анализаторнинг миёна пўстлоғи қисмидаги қўзғалишларни уша заҳоти тўхтатмайди.

#### УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ

##### М а в з у. Идрок

##### 1. Идрок ва унинг турлари ҳақида тушунча

*Идрок сезги органларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг онгимизда бутун, яхлит ҳолда акс эттиришидан иборат психик жараён дир.* Идрок процессида барча руҳий ҳаётимиз, онгимизнинг бутун мазмуни, билимларимиз ва тажрибаларимиз иштирок этади. Шунинг учун ҳам идрок сезгиларга нисбатан мураккаброқ ва мазмундор психик жараён бўлиб

ҳисобланади. Идрокнинг физиологик асослари қўзғовчилар йиғиндиси таъсирнда бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўлган шартли рефлектор (муваққат) нерв боғланишларидан иборатдир.

Идрок перцептив характерга эга. Чунки кишилар идрокнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Кишилар айнан бир хил нарсани ўз билим даражаси, турмуш тажрибаси, дунёқараши ҳамда ижтимоий келиб чиқишига қараб турлича идрок қиладилар. Идрокнинг нечоғлик мазмундорлиги шахснинг дунёқараши, эътиқоди, идеали, билим ва маданий савияси, ҳаётдан орттирган тажрибалари ҳамда қизиқишларига боғлиқдир.

Идрок қайси орган (анализатор) орқали амалга оширилишига қараб: кўрув, эшитув идрок; объектига қараб: вақт (замон), ҳаракатни, фазо (макон) ни идрок қилиш каби турларга ажратиб ўрганилади.

Вақтни идрок қилиш — материянинг яшаш формаси — муайян объектив бирлигини онгимизда бевосита акс эттирилишидан иборатдир.

Вақтни идрок қилиш асосан руҳий ҳодисаларимизнинг алмашинуви туфайли рўй беради. Вақтни идрок қилиш идрок қилинаётган вақт бирлигининг объектив мазмунига ҳамда бизнинг унга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Масалан, бизнинг эҳтиёж ва қизиқишларимизга мос бўлган вақт бирлигини идрок қилганимизда, вақт субъектив жиҳатдан тез идрок қилинади ва аксинча.

Ҳаракатни идрок қилиш — жисмларнинг фазо (макон) даги ўрин алмаштиришини бевосита акс эттиришдир. Ҳаракат нисбатан ва нисбатсиз идрок қилинади: агар ҳаракатдаги жисм атрофидаги бошқа ҳаракатсиз жисмларга таққослаб идрок қилинса, бу ҳаракатни нисбатан идрок қилиш дейилади: аксинча, ҳаракатдаги жисм ҳеч нарсага таққосланмай идрок қилинса, бу ҳаракатни нисбатсиз идрок қилиш дейилади.

Фазо (макон) ни идрок қилиш — воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг фазода тутган ўрнини, шаклини, миқдорини ҳамда бир-бирларига нисбатан муносабатларини уч ўлчовда: баландлик, кенглик, узоқликда бевосита акс эттиришдан иборатдир.

## Идрок мавзусида ўтказиладиган тажрибалар

*1-тажриба.* Идрок жараёнида аппарцепциянинг роли.

**Тажрибанинг мақсади.** Таниб олиш методи ёрдамида идрокдаги апперцепциянинг ролини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳоз ва асбоблар:** турли хил буюмлар: ғалтакчалар, иплар, ангишвона, сурат пленкасини ўрайдиган кассета (ғалтак)лар, лаб бўёғи (помада), соч турмаклагич (бигуди)лар, илматугма, электр лампочка патронлари, ўйинчоқ машина филдираклари ва ҳоказо буюмлар тўплами.

**Тадқиқотнинг бориши.** Тадқиқотчи ва қарор ёзувчи ўқитувчи берган зарур ашёлар билан олдиндан танишиб чиқади. Текширилувчи эса бу буюмларни кўрмаслиги лозим. У кўзи боғланган ҳолда унга тақдим этилган буюмларни ушлаб, пайпаслаб кўради ва номини айтади. Қарор юритувчи текширилувчи томонидан предметнинг нималигини аниқлаш учун сарфланган вақт, жавобнинг тўғри ёки нотўғрилиги ва текширилувчининг тажриба пайтида ўзини тутиши кабиларни қайд этиб боради. Сўнгра мазкур номлари айтилган буюмлар билан текширилувчининг ҳаётий тажрибаси ўртасида қанақа боғланишлар мавжуд эканлиги аниқланади.

Тажрибани ҳар қайси текширилувчилар билан бошқа-бошқа хил ашёлар ёрдамида ўтказилиб, жузъий хулосалар чиқарилади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Тажрибалар натижаси қуйидаги жадвалда акс эттирилади.

Буюмлар тўплами	Таний олиш вақти	Текширилувчининг жавоби	Текширилувчининг ўзини тутиши
Кассета			
Ип ўралган ғалтак			
Соч турмаклагич			
Лампа патрони			

Сўнгра ҳар қайси текширилувчидан олинган натижалар таққослаб чиқилади. Буюмларни пайпаслаб идрок этиш орқали таниб олишда ўтмиш тажриба (апперпация) нинг роли ҳақидаги маълумотлар қарорда қайд қилиб қўйилади.

### Вақтни идрок қилиш

**Тадқиқотнинг мақсади:** вақтни идрок қилишдаги аниқликни текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** секундомер ёки секунд стрелкали соат.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширилувчи 3, 5, 10, 17 секундга тўғри келувчи вақт бирликларини аниқлаши лозим. Тадқиқотчи стол устига қаламнинг орқаси билан уриб, вақтнинг бошланиши ва тугаш нуқталарини белгилайди.

Текширилувчи ҳисобламай ва бошқа воситаларни қўлламай туриб, мазкур вақт оралиғини аниқлайди ва секундларга чақиб ёзиб боради.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Утказилган тажриба натижалари дастлаб жадвалда акс эттирилади:

Тажриба номери	Тавсия қилинган қўзғовчи	Текширилувчининг кўрсатмаси	Чамалаб айтилган вақт билан реал ҳисобдаги вақт ўртасидаги фарқ

Сўнгра вақтни идрок қилишнинг аниқлик фоизи  $C$  топилади:

$$C = \frac{A \cdot 100}{B}$$

Бу ерда  $A$  — секунд ҳисобида тавсия қилинган вақт билан текширилувчи ифодалаган вақт ўртасидаги фарқ,  $B$  — тадқиқотчи томонидан тавсия қилинган вақт бўлаги. Ана шундай ҳисоб билан текширилувчининг вақтни аниқликда идрок қила олиш хусусиятига эга эканлиги ҳақида далилли хулоса чиқарилади.

### Фазовий муносабатларни идрок қилиш

**Тадқиқотнинг мақсади:** чиқарилаётган товуш манбаини аниқлаш ёрдамида эшитиш қўзғовчисининг фазовий чекланиш аниқлигини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** иккита танга, секундомер ёки секунд стрелкали соат.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширилувчи кўзи юмилган ёки боғланган ҳолда стулда қимирламай ўтиради. Тадқиқотчи бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига иккита тангани қисиб ушлаб, унинг олд томонида тик туради ва текширилувчининг бошидан бир хил узоқликда дам ўннга, дам сўлга, дам орқага, дам олдинга қўлини чўзиб, тангаларини бир-бирига ишқаб (ҳар бир йўналишда 3—5 марта, бироқ узлуксиз эмас), улардан товуш чиқаради, жаранглатади. Текширилувчи овоз манбаи қайси томонда эканлигини кўрсатиб беради.

Текширилувчи бу вазифани бажаргандан сўнг, унга ўша хил вазифани бир қулоғини бекитган ҳолда бажартириш лозим.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Қарор юритувчи текширилувчининг овоз манбаи йўналишини аниқлаш бўйича натижа кўрсатмаларини, тўғри жавоблар сонини, бу жавоблар учун кетган вақтни ҳисоблаб, жадвалда қайд қилиб қўяди:

Тавсия номери	Товуш манбаининг жойлашган томони	Текширилувчининг жавоби	Латент вақти	Тўғри жавоблар сони

Текширилувчи келаётган товуш ўрнини бир неча бор аниқлаганидан сўнг, товушнинг қайси томондан тарқалиш аниқлиги қуйидагича формула орқали ҳисоблаб чиқилади:

$$C = \frac{A \cdot 100}{B}$$

A — бир йўналишга оид тўғри жавоблар сони.

B — шу йўналишда олиб борилган тажрибалар сони

Иш сўнггида товуш манбаи тарқалиш натижаларига оид умумий ҳисоблар икки қулоқ ва бир қулоқ билан эшитиб, аниқланган натижалар асосида таққосланади.

Шундай қилиб, ўтқазилган барча тажриба натижалари ҳақида умумий хулоса чиқарилади.

#### 4. Тери туюш (тактил) ва кўрув идроки

**Тадқиқотнинг мақсади:** тери (тактил) ва кўриш идрокининг хусусиятларини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** қаттиқ қоғоз ёки картондан тайёрланган бир неча жуфт шакллар.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширувчининг тавсиясига биноан текширилувчи кўз билан кўрмаган ҳолда олдиндан таниш бўлмаган шаклни қўли билан бир минут вақт давомида пайпаслаб, қўл бармоқларининг териси орқали идрок қилади. Кейин уша шаклни қоғозга чизади. Қарор ёзувчи уни кузатиб, хатти-ҳаракатларини жадвалда қайд этиб боради, текширилувчининг чизган раемини унинг олдидан олиб кўяди. Шундан сўнг тадқиқотчи синалувчига оригинал шаклни кўрсатади. Синалувчи эса кўрсатилган расмни бир минут мобайнида кўриб чиқади ва шундан сўнг шаклни қайта бошдан чизади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Тажриба натижалари жадвалда қайд қилинади. Ҳар бир текширилувчи чизган расмлари таққосланади ва турли группа синалувчиларнинг тери-тактил ҳаракат ҳамда кўриш идрокига хос хусусиятларни солиштириб, умумий хулосага келинади.

Тадқиқот вазифалари	Оригинал расмнинг синалувчи чизган расмга нисбатан фарқи	Текширилувчининг хатти-ҳаракатлари
Пайпаслаб кўриш орқали аниқлаш Кўриш орқали аниқлаш		

### ТУРТИНЧИ МАШҒУЛОТ

#### Мавзу. Хотира

##### 1. Хотира, унинг турлари ва процесслари ҳақида тушунча

*Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни ёки инсон тажрибасида бор бўлган нарсаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда зарур вақтда эсга туширишдан иборат бўлган психик процессга хотира деб айтилади.*

Хотиранинг намоён бўлиш шакллари ҳам бошқа психик процесслар сингари ҳар хил бўлади. Масалан, психик активлик фаолиятига кўра: ҳаракат, образли, ҳис-туйғулар, сўз-мантик; фаолият мақсадига кўра; ихтиёрсиз, ихтиёрий; давомийлигига кўра: қисқа муд-

датли, узоқ муддатли ва оператив хотира деган турларга эга.

Хотиранинг физиологик асослари бош мия ярим шарлари қобиғида муваққат нерв боғланишларининг ҳосил бўлиши, мустаҳкамланиши ва кейинчалик активлашуви (жонланиши) дир.

**Ҳ а р а к а т х о т и р а с и** — ҳар турли ҳаракатларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва зарур пайтларда қайтадан эсга туширишдан иборат.

**О б р а з л и х о т и р а** — яққол мазмунли, яъни нарса ва ҳодисаларнинг конкрет образларини, уларнинг конкрет хусусият ва боғланишларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда эсга туширишдан иборат хотира туридир. Образли хотира анализаторларнинг номига кўрув, эшитув, тери-туюш каби турларга бўлинади. Образли хотиранинг алоҳида бир тури эйдетизм (нарса ва ҳодисаларнинг образини аниқ, ёрқин эсга тушириш) дир.

**Сўз-мантиқ хотираси** — муайян фикрларни, фикрлар ва сўзлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат, фақат инсонларга хос бўлган (образ, ҳаракат, эмоционал хотира ҳайвонларга ҳам хос) хотира тури. Сўз-мантиқ хотираси кўпроқ тафаккур, айниқса абстракт тафаккур билан боғлиқдир.

**Ҳ и с - т у й ғ у л а р х о т и р а с и** — воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан, ўз-ўзимизга бўлган муносабатимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат бўлган хотира тури.

Хотиранинг асосий процесслари: эсда қолдириш — идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни онгимизда қолдиришимиз; эсга тушириш — аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг образларини кейинчалик онгимизда қайта тиклашимиз; эсда сақлаш — бош мия ярим шарлари қобиғининг пластиклик хусусиятига кўра, идрок қилинган нарса ва ҳодисалар образларининг, изсиз йўқолиб кетмай, онгимизда сақланиб қолиши; унутиш — аввал идрок қилинган ёки эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни зарур пайтда эсга тушира олмаслик; таниб олиш — аввал эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни тақрор идрок қилиш орқали эсга тушириш кабилардан иборатдир.

Хотира инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳала-

рида иштирок этади. Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти жуда катта.

## 2. Хотира мавзусида ўтказиладиган тадқиқотлар. Ихтиёрсиз эсда қолдириш

**Тадқиқотнинг мақсади:** эмоционал ва бетараф тусдаги сўзларни ихтиёрсиз эсда қолдиришни текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** бир қатор сўзлар: зулмат, куй, ғам, фарёд, ўйин, оғриқ, қўрқинч, ижод, ритм, ҳаяжон, ғазаб, жушқин, жанжал, қулф, тун, тугма, прическа, текислик, ойна, пальто, қайин, қирғоқ, қум, шарф, доғ.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширилувчи бир варақ тоза қоғозни кундалангига буклаб 2 қисмга бўлади. Текширувчи юқоридаги сўзларни ўқиб беради. Синалувчи ўқилган сўзларни тинглаб булғач, уларни қуйидагича тартибда ёзади; қоғознинг чап томонига эмоционал тусдаги, ўнг томонига эса эмоционал тусга эга булмаган, бетараф сўзларни ёзиб чиқади. Сўзлар ёзилган қоғозни буклаб бир четга олиб қўяди.

Сўнгра текширилувчи яна бир варақ тоза қоғоз олиб иккига буклайди. Кейин олдинги сўзларни бирин-кетин эсга тушириб, уларнинг эмоционал тусга эга булганларини қоғознинг чап қисмига, эмоционал тусга эга булмаган бетараф сўзларни эса қоғознинг ўнг томонига такрор ёзади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Биринчи ва иккинчи қоғоздаги сўзларнинг сони (эмоционал, ноэмоционал сўзлар алоҳида) ҳисоблаб чиқилади. Сўнгра ҳар қайси гурппадаги сўзларнинг тўғри эсга туширилганларининг нисбати ҳисоблаб чиқилади. Одатда эсга туширилган эмоционал тусдаги сўзлар миқдори ноэмоционал сўзларга нисбатан кўп бўлиб чиқиши керак. Чунки киши ҳиссиётига таъсир кўрсатувчи сўзлар тез ва кўп эсда қолади.

## Бевосита эсга тушириш

**Тадқиқотнинг мақсади.** Айрим сўзлар ва бир-бирига алоқадор сўз бирикмаларининг бевосита эсга туширилишини текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** сўз ва сўз бирикмалари; бола — қўрқоқ, дарғазаб ўқитувчи, оғир иш, ривожланиш, хато, байрам, уй, ақл, шаҳар, кўр музикачи, фан, баландлик, ҳаракат, кўча, тинчлик.



**Тадқиқотнинг бориши.** Текширувчи текширилувчига бир нечта сўз ва сўз бирикмаларини диққат билан эшитиб, ёдда тутишни таклиф қилади, сўнгра сўз ва сўз бирикмаларини секин ўқиб беради. Текширилувчи ўқиётган сўз ва сўз бирикмаларини тинглаш билан бирга уларни чизма тасвир орқали ифодалаб ҳам бериши керак. Ҳамма сўз ва сўз бирикмалари ўқилиб бўлгандан сўнг текширилувчи ўзи чизган пиктограмма (суратли, тасвирий ёзув) ларнинг тагига биринчисидан бошлаб, ўзи эсда олиб қолиши лозим бўлган сўзларни ёзиб чиқиши керак.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Иш натижалари жадвалда қайд қилинади.

Тавсия қилинган сўз ва сўз бирикмаларининг миқдори	Текширилувчининг ишонарли қилиб ёзган сўз ва сўз бирикмаларининг сони	Хотира ҳажми (процент ҳисобида)

Сўнгра текширилувчининг бевосита эсга тушириш, хотира сифати, ҳажми ва аниқлиги ҳақида умумий хулоса чиқарилади.

### 3. Мантиқий ва механик хотира

**Тадқиқотнинг мақсади:** икки қатор сўзларни эсда қолдириш методи ёрдами билан мантиқий ва механик хотирани текшириб кўриш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** икки қатор сўзлар. Биринчи қатор сўзлар ўзаро маъно жиҳатидан боғланишга эга. Иккинчи қатордаги сўзлар эса ўзаро маъно жиҳатидан боғланишга эга эмас.

#### *Биринчи қатор*

қўғирчоқ — ўйнамоқ  
товуқ — тухум  
қайчи — қирқмоқ  
от — арава  
китоб — ўқитувчи  
капалак — чивин  
щетка — тиш  
барабан — ўқувчи

#### *Иккинчи қатор*

қўнғиз — стул  
тароқ — ер  
компас — елим  
қўнғироқ — ўқ  
читтак — сингил  
гултувак — трамвай  
дори — диван  
тош — шамол

қор — қуш  
хўроз — қичқирмоқ  
сиёҳ — дафтар  
сигир — сут  
паровоз — ҳайдамоқ  
нок — компот  
чироқ — оқшом

ботинка — самовар  
графин — олмоқ  
гугурт — йилқи  
қирғич — денгиз  
шляпа — асалари  
балиқ — ёнғин  
арра — тухум

**Тадқиқотнинг бориши.** Текшириш икки серияда ўтказилади. Биринчи серия. Текширувчи текширилувчига биринчи қатордаги 15 жуфт сўзни (ҳар бир жуфт сўз орасида 5 секунд танаффус билан) ўқиб беради. Ўқиб бергандан 10 секунд танаффусдан кейин текширилувчи ўзи эшитган жуфт сўзларни қоғозга ёзади.

Сўнгра тавсия қилинган сўзлар билан текширилувчининг эсда сақлаб қолиб ёзган сўзларини солиштириб, мантиқий хотиранинг коэффиценти ҳисоблаб чиқилади. Тадқиқот натижалари қуйидаги жадвалда акс эттириб қўйилади:

*Мантиқий хотиранинг ҳажми*

Биринчи қатор сўзларининг сони	Эсда қолдирилган сўзларнинг сони	Мантиқий хотира коэффиценти

Иккинчи серия. Бунда ҳам худди биринчи сериядагидек иш курилади. Фақат текширувчи иккинчи қатордаги 15 жуфт сўзларни (ҳар бир жуфт ораллиғида 10 секундлик танаффус билан) ўқийди. Охирида яна 10 секунд танаффусдан сўнг текширилувчи эсда қолган сўзларни ёзади ва тавсия қилинган сўзлар билан эсда қолдирилган сўзлар таққослаб чиқилиб, улар орасидаги коэффицент ҳисоблаб чиқилади ва жадвалда акс эттирилади:

*Механик хотиранинг ҳажми*

Иккинчи қатордаги сўзлар сони	Эсда қолдирилган сўзларнинг сони	Механик хотира коэффиценти

Сўнгра ҳар иккала серия текшириш натижалари таққосланиб, улар ўртасидаги фарқ ва унинг сабаблари ҳақида умумий хулоса чиқарилади.

#### 4. Образли хотира

**Тадқиқотнинг мақсади:** турли предметлар сурати акс эттирилган карточкалар ёрдамида образли хотирани текшириш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** 30 та предмет расми солинган икки комплект карточкалар.

**Тадқиқотнинг бориши.** Бу тажриба икки вариантда ўтказилади. Биринчи вариантда текширилувчи унга кўрсатиладиган тасвирларни яхшилаб ёдда сақлаб қолиши зарурлиги ҳақида огоҳлантирилади. Кўрсатма бериб бўлгач, тадқиқотчи текширилувчига карточкалардаги суратларни бирма-бир кўрсатиб чиқади.

Карточкаларнинг ҳаммаси кўрсатиб бўлингач, текширилувчига кўриб эсда олиб қолган расмларнинг номини ёзиб чиқишни таклиф қилади. Тўғри эсда олиб қолинган предметлар сони текширилувчи образли хотирасининг ҳажми бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи вариантда текширилувчига 30 та бошқа хил карточкаларни берилади. Улар орасида айрим жиҳатлари билан умумийлик белгисига эга бўлган суратларни алоҳида гурпуага ажратиб чиқиш тавсия қилинади. Бу ишнинг бажарилишига 90 секунд вақт белгиланади. Бир гурпуага: трамвай, қайиқ, самолёт, велосипед, чанғи сингари ташқи белгиси жиҳатидан ҳар хил кўринишга эга бўлган предметлар ажратилиши мумкин. Чунки уларнинг барчасига тегишли бўлган умумийлик белгиси — уларнинг ҳаракат воситаси эканлигидир.

30 секунддан сўнг тадқиқотчи карточкаларни йиғиштириб олади. Текширилувчилар эса карточкалардаги сурат акс эттирилган предметларнинг номини эсга туширишлари лозим.

**Тадқиқот натижасини таҳлил қилиш.** Олинган натижалар қуйидаги жадвалда қайд қилинади:

Вариант номери	Тавсия қилинган кўзгоччи	Текширилувчидан олинган натижа	Ҳато	Тўғри эсга туширилган предметларнинг сони
Биринчи	30	22		20
Иккинчи	30	30	—	30

Олинган натижаларга асосланиб, актив фикрлаш фаолияти хотирага ижобий таъсир кўрсатар экан, деган хулосага келиш мумкин. Биринчи вариантда текширилувчига ёдда тутиш ҳақида кўрсатма берилиб, иккинчи вариантга эса бундай кўрсатма берилмаганлигига қарамасдан, биринчи вариантдагига нисбатан иккинчи вариантда предметни қайта эшлаш самарадорлиги юқори кўрсаткичга эга.

### 5. Хотира тасавури

**Тадқиқотнинг мақсади:** ҳар бир сўз қўзғовчиси таъсирида онгда ҳосил бўладиган образ ва фикрларнинг характери белгилаш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** конкрет ва мавҳум тушунчани англатувчи бир қатор сўзлар: жарлик, ўқувчи, кит, лола, мактаб, табиат, қаҳрамонлик, ҳайвонлар, бино, ғалаба, шакл, тезлик, ўсиш, таклиф, сифат, камёб, булут, тўхтама, йулбошчи, тараққиёт сўзлари ёзилган карточкалар.

**Тадқиқотнинг бориши.** Тадқиқотчи икки секунд мобайнида тахистаскоп орқали текширилувчига сўз ёзилган карточкани кўрсатади. 3 секунд тўхталгандан сўнг сўрайди: «Бу сўз сизнинг онгингизда қандай образни ҳосил қилди?» Текширилувчининг жавоби сўзма-сўз ёзиб борилади.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Жами 10 та сўзни кўрсатиш жараёнида текширилувчидан олинган жавоб, натижалар қуйидаги жадвалда қайд қилиб чиқилади:

Сўз қўзғовчи	Образ ва фикрларнинг муҳимлаштирилиши					
	Таъсирланиш (реакция) вақти	Предмет образи	Сўзлар образи	Шакллар образи	Образсиз фикрлар	Образ ва фикрларнинг мавжуд эмаслиги

Текширилувчининг жавобларини таққослаб чиқиш асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: текширилувчининг тушунчаси чалғиб турган пайтда, унинг предмет

ҳақидаги тасавури сийраклашади, яккам-дуккам бўлади. Ҳар қандай кўрув тасавурларининг иштирокисиз тушунчалар мазмунига оид фикрлар образининг ҳажми кичрая боради.

### БЕШИНЧИ МАШҒУЛОТ

#### М а в з у. Темперамент ва характер

##### 1. Темперамент ва унинг типлари ҳақида тушунча

Руҳий фаолиятнинг умумий хусусиятлари билан бир қаторда шахсий-психологик хусусиятлар ҳам борки, эҳтиёжлар, қизиқишлар, темперамент, характер, мотивлар шуларга киради.

Демак, темперамент инсон шахсининг индивидуал психологик хусусиятларидан биридир. Темперамент деб, шахсининг эмоционал қўзғалувчанлиги ва умумий ҳаракатчанлиги билан сифатланадиган индивидуал хусусиятлари йиғиндисига айтилади. Бошқача қилиб айтганда, темперамент деб марказий нерв системасининг одам реакциялари умумий хусусиятларини белгилаб берувчи туғма биологик хоссаларига айтилади. Мана шу хусусият умр бўйи кам ўзгаради, лекин ҳар қалай ижтимоий муҳитда ривожланиб боради. И. П. Павлов нерв жараёнларининг хоссаларига қараб олий нерв фаолиятининг Гиппократ айтиб кетган темпераментлар (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик)га мос келувчи асосий типларини ажратди.

**С а н г в и н и к**, И. П. Павлов фикрича, кучли мувозанатлашган, яъни серҳаракат типга туғри келади. Бунда тормозланиш ва қўзғалиш ташқи таассуротга мос келувчи етарлича куч билан пайдо бўлади ва ташқи таъсиротларнинг навбатлашувига мос келувчи суръат билан бир-бирини алмаштира олади. Бундай темпераментга эга бўлган кишилар актив, фаол, вазмин бўлишади, янги шароитга яхши ва тез мослашишади, бир турдаги фаолиятдан осонлик билан иккинчи турдаги фаолиятга ўтишади.

**Х о л е р и к** — кучли мувозанатлашмаган, яъни жонсарақ типдир. Бундай одамларда қўзғалиш жараёнлари тормозланиш жараёнларидағ анча кучлироқ бўлади. Шу хилдаги одамлар сабр-тоқат керак бўлган ҳолларда ўзларини тутиб туришлари қийин бўлади.

**Ф л е г м а т и к** — кучли мувозанатлашган, кам ҳаракатчан, яъни ювош типдир. Бундай темпераментга

эга бўлган кишилар сусткаш, вазмин, мақсад йўлида интиладиган бўлишадими, лекин бир турдаги фаолиятдан иккинчи турдаги фаолиятга қийинчилик билан ўтишади.

**Меланхолик** — нимжон типидир. Бу хилдаги одамлар шу билан ажралиб туришадими, уларда нерв қараёнлари кучсиз бўлади, тормозланиш реакциялари қўзғалиш реакцияларидан устун туради. Бундай темпераментли кишилар тортинчоқ, уятчан, қўполликка сезгир бўлишади, улар рўй бериб турган ҳодисалар ва одамларнинг ўзаро муносабатларига жуда зийраклик билан баҳо беришади.

Темперамент одамнинг умумий характеристикасини олдиндан белгилаб берадиган нарсалар эмаслигини айтиб кетиш керак. «Ёмон» ва «яхши» темпераментлар бўлмаслиги Б. М. Теплов текширишларида аниқланган. Нимжон тип вакили — меланхолик бир хилдаги зериктирарли ишни жуда қойилмақом қилиб уддалайди. Шу билан бир вақтда кучли темпераментга эга бўлган киши, масалан, флегматик, фаолиятнинг бир турдан тезда иккинчи турига ўтишни талаб қиладиган ишни кўпинча уддалай олмайди.

И. П. Павлов олий нерв фаолиятининг фақат одамга хос бўлган типларини биринчи ёки иккинчи сигнал системасининг устун туришига қараб **бадий** ва мутафаккирлар типини ҳам фарқ қилар эди. Бадий типга мансуб одамларда биринчи сигнал системаси фаолияти устун туради, шу муносабат билан улар бирмунча кўпроқ ҳаяжонланадиган ҳамда рўй бериб турган ҳодисаларни тўғридан-тўғри идрок этадиган бўлиши билан фарқ қиладилар. Мутафаккирлар типига кирадиган одамларда иккинчи сигнал системаси устун туради, улар умумлаштирилган ҳолда, мавҳум тарзда фикрлашга мойил бўлишади, аниқ ҳодисалар уларда ёрқин таассуротлар уйғотмайди, аниқ таъсиротларга тўғридан-тўғри ва тез реакция кўрсатиш уларга хос эмас. Бу типлар энг четки типлар деб аталади. Одамларнинг кўпчилиги иккала сигнал системаси анча зўр бўлган ўртача типга мансуб бўлади.

Темпераментнинг хусусиятлари одам фаолиятининг ҳар хил шаклларида, хатти-ҳаракати, юриш-туришида намоён бўлади.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, темперамент турлари ҳеч қачон соф ҳолда, яъни соф холерик, соф

флегматик тарзида деярли учрамайди. Кўпчилик одамлар аралашган темперамент хусусиятларга эга бўладилар. Одамларда қайси хилдаги темпераментнинг хусусиятлари ортиқроқ намоён бўлса, шунга қараб уларни у ёки бу темперамент турига бўламиз.

Темперамент хусусиятлари олий нерв фалоиятининг типлари билан боғлиқ бўлгани учун одамга туғма равишда, яъни наслий йўл билан берилади. Лекин бундан темперамент хусусиятлари ўзгармас нарса бўлади, деган маъно келиб чиқмайди. Одамнинг у ёки бу темперамент хусусиятлари ёш улғайиши, янаш шароитининг ва таълим-тарбиянинг таъсири натижасида ўзгариши ҳам мумкин.

## 2. Характер ва унинг сифатлари ҳақида қисқача тушунча

Характер — ижтимоий муҳит таъсирида таркиб топиб, шахснинг атрофдаги воқеликка ва ўз-ўзига бўлган муносабатида ифодаланадиган, унинг муайян шароитлардаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган барқарор индивидуал психик хусусиятлар йиғиндиси. Характерни ташкил қилувчи хусусиятлар характер хислатлари дейилади. Характер хислатлари икки катта гурпуга бўлинади; 1— характернинг маънавий сифатлари — меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳрибонлик, ташаббускорлик, камтарлик кабилар; 2— характернинг иродавий хислатлари — мақсадга интилувчанлик, қатъиятлик, жасурлик, мардлик, матонатлилик, ўз-ўзини тута билиш каби сифатлардан иборат.

Одамнинг табиати, характери — ташқи муҳит таъсиротларига кўрсатадиган руҳий реакцияларининг болалик пайтидан шаклланиб борадиган типидир. Характер атрофдаги муҳитга темпераментдан кўра кўпроқ даражада боғлиқ бўлади, унинг шаклланиб бориши одамнинг бутун умри бўйи давом этади. Шунга қарамай, характер шахснинг барқарор хусусиятларини ташкил этади, одамнинг юриш-туриши ҳамда унинг атрофдаги муҳитга ўз-ўзига қандай кўз билан қараши шу хусусиятларга боғлиқ деб ҳисобланади. Характер кейинчалик мустаҳкамланиб, қарор топиб борадиган ва одамнинг юриш-туриши ҳамда атрофдагиларга муносабатини белгилаб берадиган темпераментга ва ташқи таъсиротларга кўрсатиладиган реакциялар шаклига қараб мужасамланиб боради.

Демак, характер туғма, ўзгармайдиган хусусият эмас. У кишининг ҳаёт шароитларига боғлиқ ҳолда таркиб топиб, ўзгарувчан ва тарбияланувчандир; махсус шароитда, махсус таълим-тарбия таъсирида салбий характер хислатларини бартараф қилиш, ижобий характер хислатларини тарбиялаш мумкин.

### 3. Темперамент ва характер мавзусида ўтказиладиган тадқиқотлар

#### Темперамент хусусиятлари

**Тадқиқотнинг мақсади:** шахсдаги эмоционал қўзғалувчанлик ва эмоционал барқарорликни текшириш ва шу асосда темпераментнинг зарур бўлган типини текшириб кўриш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** секундомер, сўзлар қатори: гилам, стол, қути, газета, ислиқи, девор, кўза, майсазор, плита, исқирт, мавсум, мато, қўл, бефаросат, шапалоқ, қизғанчиқ, раҳбарлик, бефаҳм, сандиқ, милтиқ, дарахт, тахта, турмуш, олов.

**Тадқиқотнинг бориши.** Текширувчи минутига 5 та сўзни аста-секин талаффуз қилади. Текширилувчи ҳар бир эшитган сўзига жавоб сифатида ёдига келган сўз билан жавоб қайтариб бориши керак. Қарор юритувчи эса қўзғатувчи сўз тавсия қилинган вақт билан текширилувчининг жавоб сўзи айтилган пайтгача бўлган реакция вақтини қайд этиб бориши керак.

**Тадқиқот натижасини таҳлил қилиш.** Тадқиқот натижалари қуйидаги жадвалда қайд қилинади:

Қўзғатувчи сўз	Текширилувчининг жавоби	Реакциянинг латент вақти (секунд ҳисобида)

Сўнгра график чизилиб, унинг абсцисса ўқида реакция вақти, ордината ўқида эса қўзғатувчи сўзнинг тартиб номери тўғри келадиган сон қайд қилиб қўйилади.

Берилган 25 сўзнинг 5 таси эмоционал, қолган 20 таси бетараф сўзлардир, Эмоционал аҳамиятга эга бўлган сўз билан ноэмоционал (бетараф) сўзлар ўртасидаги латент даври эмоционал қўзғалиш ва эмоцио-



нал барқарорликка нисбатан бўлган муносабат кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Агар ана шу иккала кўрсаткич тенг ёки деярли барабар бўлса, график чизиқлари қўшилса ёки бир-бирига яқин бўлса, унда текширилувчи эмоционал жиҳатдан барқарор ҳисобланади. Агарда бу иккала кўрсаткич вақти жуда фарқ қилса, график чизиги бир-биридан узоқ бўлса, унда текширилувчи эмоционал жиҳатдан қўзғалувчан бўлиб ҳисобланади.

Олинган маълумотлар асосида яна битта жадвал тузилади:

Текширилувчининг исми ва фамилияси	Текширилувчининг эмоционал хусусияти	Текширилувчининг темперамент тип
---------------------------------------	---	-------------------------------------

### Темперамент типлари

**Тадқиқотнинг мақсади:** педагогик-психологик характеристика маълумотлари орқали ўқувчилар темпераментининг типини аниқлаш.

**Тадқиқот учун зарур жиҳозлар:** ўқувчиларга ёзилган педагогик-психологик характеристикалардан олинган 8—10 та парчалар.

**Тадқиқотнинг бориши.** Тадқиқотчи текширилувчига берилган характеристикалардан бирини олиб, диққат билан ўқиб чиқишни ва характеристикада тавсифланган ўқувчининг қайси темперамент типига киришини аниқлаб беришни тавсия қилади. Характеристикадаги ашёвий далилларга асосланиб, текширилувчи ўқувчининг нима учун айнан шу типга киришини далиллар билан тушунтириб бериш зарур. Шундан сўнг текширилувчига янги иккинчи, учинчи парчалар тавсия қилади ва ҳоказо.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Иш натижалари қуйидаги жадвалда қайд этилади:

Ўқувчининг исми ва фамилияси	Темперамент типи	Ўқувчининг мазкур типга киришини билдирувчи далиллар, белгилар
---------------------------------	---------------------	--

## Ўқувчининг характери

**Тадқиқотнинг мақсади:** турли методлар ёрдамида ўқувчининг характерини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг бориши.** Студент қуйидагича усул орқали мактаб ёки педбилим юрти ўқувчисининг характерини ўрганади:

— дарс ва дарсдан ташқари пайтларда ўқувчининг хатти-ҳаракатларини кузатади;

— ўқувчининг фаолият самаралари (турли предметлар бўйича тутган дафтарлари, контрол ишлари, иншо-си, ясаган нарсалари ва ҳоказолар) ни таҳлил қилади;

— ўқувчи билан унинг қизиқишлари, сеvimли маш-ғулоти ҳақида суҳбатлашади;

— ўқувчи тўғрисида унинг синфдош ўртоқлари би-лан суҳбатлашади;

— ўқувчи тўғрисида синф раҳбари ва отаси-онаси билан суҳбатлашади;

— ўқувчи тўғрисида айрим ўқитувчилар билан суҳ-батлашади.

Буларнинг барчаси ўқувчига характеристика ёзиш учун маълумотлар олишга ёрдам беради. Барча объек-тив характеристикаларни таққослаб, таҳлил қилиб чиқ-қандан сунггина студент ўқувчига умумий характерис-тика ёзиш учун киришиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.** Характерни тавсифлашда унинг қуйидаги таркибий қисмларига ало-ҳида эътибор бермоқ зарур:

1. Ўқувчи шахсининг йўналганлиги (қизиқишлари, эътиқоди, интилиши ва ҳоказо).

2. Ақлий фаолияти (қизиқувчанлиги, тиришқоқлиги, уришқоқлиги, фикрни дадиллаши ва ҳоказо).

3. Ҳиссиёти (ҳиссиётининг қўзғалиши, руҳий барқа-рорлиги, ҳис-ҳаяжонни, таъсирчанлиги).

4. Иродаси (қатъиятлилиги, мақсадга интилиши, ўзини тута билиши, мустақиллиги, чидам-бардошлиги ва ҳоказо).

5. Темпераментга хос хусусиятлари.

Ўқувчи характерини тавсифлашда унинг характерига хос у ёки бу хусусиятлари: ўзига ишончи, ўзини бошқа-риши, ирода кучи, сўзда туриши, мувозанатлашганлиги ва ҳоказолар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Ҳар бир студент ёзган характеристика психология ўқитувчисининг бошчилигида группа бўлиб муҳокама қилинади ва баҳоланади.

## II. БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

### УҚТИРИШ ХАТИ

Ҳозирги шароитда кишиларни тарбиялаш, уларда юксак ахлоқийлик сифатларини қарор топтириш, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун етук мутахассислар тайёрлаш ишига жиддий эътибор берилмоқда, буларга республикамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари сифатида қаралмоқда. Ҳозирги пайтда ўрта махсус ва олий таълим системасида ишлаб чиқариш, фан ва маданият эҳтиёжларига сезгирлик билан ва ўз вақтида жавоб бериш, халқ хўжалигининг барча соҳалари учун зарур мутахассисларни юксак касб-корлик тайёргарлиги, ҳар жиҳатдан етуқлиги, ташкилотчилик ва бошқариш фаолияти кўникмаларини ўзида уйғунлаштирган бўлиши талаб қилинмоқда.

Эндиликда ишлаб чиқариш, фан ва техника, бошқариш, иқтисод, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш психология масалаларида ҳар томонлама тайёргарликсиз, чуқур билимларсиз иш кўришнинг иложи йўқ. Умуман, республиканинг маънавий потенциалини мумкин қадар кўпроқ ишга солиш, унинг ижодий самарадорлигини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб вазифалари ҳисобланади. Шундай вазифалар асосида олий, ўрта махсус педагогика ўқув юртлари талабалари ва ўқувчиларининг ғоявий-назарий, амалий-касбкорлик тайёргарликларини мукамаллаштириш, уларни ўқув ва илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш катта аҳамиятга эга бўлган масъулиятли ишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетлари ва мактабгача тарбия педагогика билим юртлари, мактабгача тарбия ходимлари малакасини ошириш бўлимларида болалар психологиясини ўқитишнинг асосий вазифаси психик ривожланишнинг таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган қонуниятларини очиб бериш, психик ривожланишнинг муҳим босқичларини, болаларнинг ёш ва ўзига хос психологик хусусиятларини тушунтириб бериш ҳамда бўлажак тарбиячиларда ўз

педагогик фаолиятларига илмий ёндашиш асосларини таркиб топтиришдан иборатдир. Бундай вазифаларнинг ҳал қилиниши даставвал мактабгача тарбия болалар муассасалари шароитида талабалар ва билим юрти ўқувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятларини аниқ, тушунарли ва мунтазам равишда йўлга қўйиш, болалар психологиясининг назарий асосларини онгли ва пухта ўзлаштириш, болалар психологияси бўйича эгалланган билимларни амалда қўллашга барқарор қизиқишни таркиб топтириш учун ёрдам беришни талаб қилади.

Сўнгги йилларда ўтказилган кузатишларимиз педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетлари ва мактабгача тарбия педагогика билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари малакасини оширишда, болалар психологиясини ўқитиш тажрибасида талайгина қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Улардан бири зарур ўқув қўлланмаларининг, хусусан ўзбек тилидаги қўлланмаларнинг камлигидир. Шу сабабли ҳам ўқитувчилар, талабалар ва педагогика билим юртлари ўқувчилари, малака ошириш бўлимлари тингловчилари болалар психологияси предметининг амалий машғўлотларига оид топшириқларни бажаришда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар, топшириқларнинг сифатли ва малакали бажарилишига эриша олмаптилар.

Дарҳақиқат, бўлғуси педагог-тарбиячилар болалар психологиясига оид адабиётларни мустақил ўзлаштиролмай ва психологик кузатиш ҳамда экспериментлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлмай туриб, касб маҳоратини оширишда ҳам маълум қийинчиликларга дуч келиши табиий ҳолдир. Ушбу қўлланма юқорида айтиб ўтилган қийинчилик ва камчиликларни бартараф этиш воситаларидан биридир.

Бўлғуси педагогларнинг касбий яроқлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири касбга мослашиш ҳисобланади. Уларнинг касб эгаси сифатида ўзларини кўрсатишлари учун назарий билимларни амалда қўллаш, мустақил фаолиятга ўтиш жараёни алоҳида аҳамият касб этади. Танланган касбга мослашиш, кўникиш аста-секин амалга ошади. Бунда педагогика ўқув юртлари кучоғида эгалланган назарий билим ва малакалар болалар муассасаларидаги муайян педагогик фаолиятга татбиқ қилиб қўрилади. Бунда қуйидаги бир қатор ишланмаларимиз болалар психологиясидан ама-

лий ишларни йўлга қўйишда бўлғуси педагог-тарбиячиларга ёрдам беради.

**Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларининг мазмуни**

**Машғулотлари режалаштириш**

Педагогика институтлари мактабгача тарбия факультетларининг ўқув режасида болалар психологиясидан семинар машғулотларига 34 соат, амалий машғулотларига 10 соат, лаборатория машғулотлари учун ҳам 10 соат, жами 54 соат вақт ажратилган. Бу ўқув соатларини болалар психологиясининг амалдаги программаси бўлимлари буйича тахминан қуйидаги жадвалда кўрсатилган тартибда тақсимлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

Тартиб №	Программанинг бўлимлари (бош мавзулар)	Соатлар миқдори			
		Семинар машғулотлари учун	Амалий машғулотлари учун	Лаборатория машғулотлари учун	Ҳаммаси
1.	Болалар психологиясининг умумий масалалари	6	—	—	6
2.	Гўдак ва илк ёшдаги бола психик ривожланишининг психологик хусусиятлари	10	4	4	18
3.	Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари	16	6	4	26
4.	Мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари	2	—	2	4
	Жами	34	10	10	54

**2. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ**

**МАШҒУЛОТЛАР ЮЗАСИДАН УМУМИЙ КўРСАТМАЛАР**

Семинар машғулотлари ўқув фаолиятини амалий ташкил қилиш ва йўлга қўйишнинг асосий шакллари-дан биридир. Бу машғулотлар жараёнида талабалар

турли мавзуларда ўқилган лекцияларни тинглаб, аввал ўзлаштириб олган назарий билим ва тушунчаларини чуқурлаштириб, ўрганилаётган фаннинг илмий-назарий асосларига тегишли билим доираларини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар, ўзларининг ғоявий-назарий ва амалий-касбий тайёргарликлари устида ишлаб, болалар психологияси соҳасидаги билимларини чуқурлаштириб борадилар ҳамда адабиёт манбаларидаги материалларни мустақил таҳлил қилишни ўрганадилар, фикр-мулоҳазаларини эркин ва илмий асосда баён қилиш маҳоратига эга бўладилар.

Семинар машғулотлари талабаларда дастлабки кўникма ва илмий изланиш малакаларининг ўсиб боришига ҳам ёрдам беради.

Семинар машғулотлари одатда тўла ўқув гуруҳи билан ўтказилади.

Семинар машғулотлари режасини тузишда талабаларга лекция курсининг қисмларига оид методологик ва назарий томонларни мумкин қадар тўлароқ очиш, илмий адабиётлар билан мустақил ишлай олишга ўргатишни асосий мақсад қилиб қўйиш лозим.

Ҳар бир семинар машғулотининг мазмунига бевоқиф тааллуқли бўлган адабиётлар кўрсатилади. Семинар машғулотларининг режаси ва фойдаланиладиган адабиётлар камида бир ҳафта, ун кун олдиндан тавсия қилиниши керак. Чунки талабаларнинг адабиётларни анчагина тўлароқ ўрганиб, семинарда сўзга чиқишлари учун тайёргарлик кўришларига имкон яратилиши зарур.

Семинар машғулотида тайёрланишда талаба тавсия этилган адабиётларни сифатли конспектлаштира олиш, ундаги зарур ва муҳим, асосий материалларни танлай билиш, танланган материалларни мантиқан бир-бирига боғлай олиш, семинар режасининг ҳар бир саволига ўзи тайёрлаган жавобни маъноли ва изчил баён қилиш малакаларини намоён қилиши зарур. Бу хил малакалар талаба фаолиятининг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Уқув курслари ва семестрлар бўйича семинар машғулотлари мавзулари

Тартиб №	Муҳокама қилиш учун режалаштирилган мавзулар	Курс	Уқув семестри	Берилган соатлар
1.	Фан сифатида болалар психологиясининг предмети ва вазифалари	II	III	2
2.	Болалар психологиясининг методлари	»	»	2
3.	Бола психик ривожининг асосий қонуниятлари	»	»	2
4.	Чакалоқлик даври психологияси	»	»	2
5.	Гудаклик даврининг психологик хусусиятлари	»	»	2
6.	Илк ёш даврининг энг муҳим ютуқлари	»	»	2
7.	Илк ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланиши	»	»	2
8.	Илк ёшда шахс таркиб топишининг дастлабки аломатлари	II	IV	2
9.	Уйин мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолиятидир	II	IV	2
10.	Мактабгача ёшдаги болаларда самарали фаолият турларининг ўсиши	»	»	2
11.	Мактабгача ёшдаги болаларда шахс хусусиятларининг шаклланиши	»	»	2
12.	Мактабгача ёшдаги болаларда ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши	III	V	2
13.	Мактабгача ёшдаги болаларнинг сенсор ривожланиши	»	»	2
14.	Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ ва тафаккурнинг ривожланиши	»	»	2
15.	Мактабгача ёшдаги болаларда диққат, хотира, хаёл жараёнларининг ривожланиши	»	»	2
16.	Болаларнинг мактабдаги таълим жараёнига тайёргарлиги	»	»	2
17.	Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ривожланиши	»	»	2

Жами:

34 соат

## II КУРС. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ РЕЖАСИ

### Болалар психологиясининг умумий масалалари

#### *БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ*

**М а в з у.** Фан сифатида болалар психологиясининг предмети ва вазифалари

#### Р е ж а

1. Болалар психологияси:

- а) бола фаолиятининг ривожланиши;
- б) психик процессларнинг ривожланиши;
- в) бола шахсий хислатларининг таркиб топиш қонуниятлари ва унинг омиллари ҳақидаги фандир.

2. Болалар психологиясининг аҳамияти. Болалар психологиясининг бошқа фанлар:

- а) фалсафа;
- б) умумий психология;
- в) ёш психологияси ва педагогик психология;
- г) болалар анатомияси ва физиологияси;
- д) гигиена, педиатрия, психопатология;
- е) педагогика ва хусусий методик фанлар билан алоқаси.

3. Болалар психологиясининг амалий ва назарий вазифалари.

#### *ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ*

**М а в з у.** Болалар психологиясининг методлари

#### Р е ж а

1. Кузатиш методи:

- а) узлуксиз кузатиш;
- б) танлаб вақт- вақти билан кузатиш;
- в) системали тарзда кундаликлар тузиб кузатиш;
- г) кузатиш методидан фойдаланиш тарихига оид қисқача маълумот.

2. Эксперимент методи:

- а) лаборатория ва табиий эксперимент;
- б) тасдиқловчи, шакллантирувчи, таркиб топтирувчи экспериментлар;
- в) эксперимент методидан фойдаланиш тарихига оид маълумот.

3. Фаолият машғулотларини ўрганиш методи.



4. Сўриш — суҳбат методи ва унинг тарихи.
5. Эгизаклар методи ва унинг келиб чиқиш тарихи.
6. Болалар психологиясининг социометрик методи ва унинг вужудга келиш тарихи.

### **УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Боланинг психик ривожланишининг асосий қонуниятлари**

##### **Р е ж а**

1. Боланинг психик ривожланиши, унда биологик ва социал факторларнинг роли:
  - а) ривожланишни ифодаловчи дастлабки аломатлар;
  - б) психик ривожланишни белгиловчи шарт-шароитлар;
  - в) биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсири.
2. Боланинг психик ривожланиши ва актив фаолият:
  - а) боланинг ҳаракат қилишга ўргана бориши, ҳаракатларни ўзлаштира бориш;
  - б) боланинг етакчи фаолияти.
3. Психик ривожланишда таълим ва тарбиянинг роли, таълим-тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги, сензитивлик, ривожлантирувчи таълим.
4. Боланинг психик ривожланиши тўғрисидаги ғайри илмий назариялар ва уларнинг танқиди.
5. Психик ривожланиш ва ёш босқичлари.

#### **Гўдак ва илк ёшдаги бола ривожланишининг психологик хусусиятлари**

### **ТУРТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Чақалоқлик даври психологияси**

##### **Р е ж а**

1. Шартсиз рефлекслар ва уларнинг боланинг ривожланишидаги аҳамияти.
2. Чақалоқларда сезги органларининг ривожланиш хусусиятлари.
3. Сезги органларини машқ қилдиришнинг аҳамияти.

4. Чақалоқларда эмоция (ҳиссиёт) ларнинг ривожланиши, жонланиш комплексининг пайдо бўлиши ва унинг шарт-шароитлари.

### **БЕШИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Гудаклик даврининг психологик характеристикаси**

##### **Р е ж а**

1. Гудак болаларнинг ривожланишида катта кишилар билан муносабатларнинг роли.

2. Гудакларда нутқни эгаллашнинг дастлабки элементларининг шакллана бориши.

3. Гудакларда ҳаракатлар ва амалий предметли активликнинг ривожланиши.

4. Гудакларда теvarак-атрофдаги ҳаётни илғаб олишнинг ривожланиши.

### **ОЛТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Илк ёш даврининг энг муҳим ютуқлари**

##### **Р е ж а**

1. Туғри юришни эгаллаш. Юриш онтогенези.

2. Илк ёшдаги болада предметли фаолиятнинг ривожланиши.

3. Илк ёш даврида янги фаолият турларининг вужудга кела бошлаши:

а) уйин фаолияти;

б) самарали фаолият турлари: расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, қуриш-ясаш фаолиятлари.

4. Илк ёшдаги болаларда нутқнинг ривожланиши.

### **ЕТТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **М а в з у. Илк ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланиши**

##### **Р е ж а**

1. Илк ёшдаги болаларнинг сенсор ривожланиши.

2. Илк ёшдаги болаларда тафаккурнинг ривожланиши.

3. Илк ёшдаги болаларда диққатнинг ривожланиши.

4. Илк ёшдаги болаларда хотиранинг ривожланиши.

5. Илк ёшдаги болаларда хаёлнинг ривожланиши.
6. Илк ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланиш йўллари.

### **САҚҚИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у.** Илк ёшда шахс таркиб топишининг дастлабки аломатлари

#### **Р е ж а**

1. Илк ёшдаги болаларда хулқ-атвор ҳаракатларининг ривожланиши.
2. Илк ёшдаги боланинг ўз «мен»ини англай бошлаши. Боланинг исми ва унинг аҳамияти.
3. Илк ёшдаги болада мустақилликка интилишнинг пайдо бўла бориши. Уч ёш кризиси.
4. Илк ёшдаги болаларда темперамент, характер, эҳтиёж ва қизиқишларнинг намоён бўлиши.
5. Илк ёшдаги болада қобилиятнинг таркиб топиши.
6. Илк ёшдаги болада ҳиссиёт ва иродавий ҳаракатларнинг ривожланиши.

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **ТУҶҚИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**М а в з у.** Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолиятидир

#### **Р е ж а**

1. Ўйин фаолияти тўғрисида олимларнинг назариялари.
2. Ўйин турлари. Сюжетли-ролли ўйинларнинг тузилиш компонентлари:
  - а) сюжети;
  - б) мазмуни, роллари, қондаси;
  - в) ўйин ҳаракатлари, материали ва ундан фойдаланиш;
  - г) сюжетли-ролли ўйинларнинг боланинг ёшига қараб ривожланиши.

3. Ҳийнинг боланинг психик ривожланишига таъсири.

4. Ҳийчоқлар ва уларнинг боланинг камолотидаги роли.

### **УНИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда самарали фаолият турларининг ўсиши**

#### **Режа**

1. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирлаш фаолиятларининг ривожланиши:

а) дастлабки чизма-график образларнинг ривожланиши;

б) боланинг ранглар, бўёқлардан фойдаланиши;

в) бола чизган расмларнинг мазмуни, уғил, қиз болалар чизган расмлар, турли миллат болаларининг расмлари, болалар чизган расмларнинг мазмунида ижтимоий воқеаларнинг акс этирилиши.

2. Болаларнинг конструктивлик фаолияти ва унинг психологик хусусиятлари.

3. Болаларнинг таълимий машғулотлари ва меҳнат фаолиятининг дастлабки оддий шакллари.

### **УН БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда шахс хусусиятларининг шаклланиши**

#### **Режа**

1. Мактабгача ёшдаги болаларда шахс таркиб топининг дастлабки ижтимоий-психологик аломатлари ва шарт-шароитлари.

а) шахсга хос доимий хислатларнинг таркиб топиши ва унда ижтимоий муҳитнинг, фаолиятнинг роли;

б) болада ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзига баҳо беришнинг шаклланиши.

2. Болаларда эҳтиёж ва қизиқишларнинг ривожланиши.

3. Мактабгача ёшдаги болаларнинг темпераментига хос хусусиятлар.

4. Болаларда характер хислатларининг таркиб топиши.

5. Болаларда умумий ва махсус қобилиятларнинг шаклланиши.

6. Болаларнинг шахсий-психологик хусусиятларидаги салбий сифатлар: тажанглик, бетга чопарлик, қайсарлик, инжиқликлар ва уларни бартараф этиш йўллари.

### **УЧИНЧИ КУРС. УН ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши**

#### **Режа**

1. Болаларда эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқ ҳолда турли ҳиссиётларнинг ривожланиши:

а) оддий, хуш ёки нохуш ҳиссиётлар;

б) эркалаш ва мақталишга мойилликлар;

в) рашк, қизганиш, ачиниш, раҳм қилиш, уялиш, қурқиш ҳиссиётларининг намоён бўлиши;

г) мураккаб ҳиссиётлар; бурч ҳисси, эстетик, уртоқлик, дўстлик, ватанпарварлик, коллективизм, ахлоқий, интеллектуал ҳиссиётларнинг таркиб топа бориши.

2. Болаларда иродавий сифатларнинг ривожланиши:

а) иродавий ҳаракатлар генезиси;

б) мақсадга интилиш;

в) мотивларнинг аҳамияти;

г) ҳаракатни планлаштириш;

д) тадбир белгилаш ва ҳаракатга киришиш сифатлари.

3. Болаларда ҳиссиёт ва иродани ривожлантириш йўллари.

### **УН УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ**

#### **Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг сенсор ривожланиши**

#### **Режа**

1. Болаларда сезги турларининг ривожланиши.

2. Болаларда идрок процессининг ривожланиши.

3. Болаларда тасавурларнинг ривожланиши.

4. Болаларда сенсор процессларни ривожлантиришда тарбиячи қўллайдиган усуллар ва йўл-йўриқлар.

**УН ТУРТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ ва тафаккурнинг ривожланиши**

**Режа**

1. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг ривожланиши. Боланинг тил воситасидан амалий фойдаланиш ва нутқни тушуниши:

а) сўз бойлигининг ортиши ва нутқнинг грамматик қурилиши;

б) фонематик эшитишнинг ўсиши;

в) оғзаки нутқ составини англашнинг ўсиши;

г) нутқнинг коммуникатив функцияси;

д) нутқнинг режалаштирувчи функцияси;

е) нутқнинг белгилик функцияси.

2. Болада тафаккурнинг ривожланиши:

а) болалар тафаккурининг ривожланишига умумий характеристика;

б) болаларда образли тафаккурнинг ривожланиши;

в) боланинг мантиқий тафаккурни ўзлаштириши;

г) боланинг муҳокамалари.

**УН БЕШИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда диққат, хотира ва хаёл процессларининг ривожланиши**

**Режа**

1. Болаларда диққатнинг ривожланиши:

а) диққатнинг ихтиёрийлиги;

б) диққат турларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиш хусусиятлари;

в) диққатни ривожлантириш йўллари.

2. Болаларда хотиранинг ривожланиши:

а) хотиранинг ихтиёрсиз, ихтиёрли турлари;

б) образли, сўз-мантиқ, ҳис-туйғу, ҳаракат каби хотира турларининг ривожланиши;

в) хотирани ривожлантириш йўллари.

3. Болаларда хаёлнинг ривожланиши:

а) хаёлнинг ривожланиш шарт-шароитлари;

- б) болаларда ихтиёрсиз ва ихтиёрый хаёл процесслари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати;  
в) хаёлнинг ривожланишида турли фаолиятларнинг роли.

### **УН ОЛТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу. Боланинг мактабдаги таълим процессига тайёргарлиги**

#### **Режа**

1. Боланинг мактабдаги таълим процессига жисмоний ва ақлий тайёргарлиги.
2. Шахсий ва ижтимоий-психологик тайёрлиги.
3. Боланинг мактабга иродавий жиҳатдан тайёрлиги.
4. Боланинг мактабга мослашуви.

### **УН ЕТТИНЧИ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ривожланиши**

#### **Режа**

1. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний хусусиятлари.
2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўқиш ва меҳнат фаолиятларининг психологик хусусиятлари.
3. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши.
4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга хос шахсий хислатларнинг таркиб топиши.

### **АМАЛИЙ-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ УТҚАЗИШ ЮЗАСИДАН УМУМИЙ МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР**

Болалар психологиясидан амалий-лаборатория машғулотларига чақалоқлик, гудаклик ёшидаги, илк (боғчагача) ёшдаги, мактабгача (боғча) ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиб чиқиш мақсадида тадқиқотлар утқазилган. Бу машғулотларни турли типдаги болалар муассасалари шароитида олиб бориш кўзда тутилган, чунки айнан шу муассасалардаги болалар психологик тадқиқотнинг асосий объектидир.

Тадқиқ учун берилган ҳар бир топшириқни икки нафар студент ёки педагогика билим юрти ўқувчиси бажаради. Уларнинг бири тадқиқотчи, иккинчиси қарор (протокол) ёзувчи ролини бажаради. Кўпинча роллар ўзаро алмаштириб турилади.

Тадқиқотни бошлашдан олдин болалар психологиясининг ҳар бир бўлимларига тегишли бўлган зарурий адабиёт материаллари билан чуқур танишиб, тадқиқот қайси ёшдаги болалар билан ўтказиладиган бўлса, шу ёшга хос бўлган хусусиятлар ўрганиб чиқилади. Ҳар қайси экспериментал жуптлар исталган ёшдаги иккита болани танлаб, улар билан текшириш ўтказилади ва психолог-ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Психологик топшириқларни бажаришда текшири-лаётган ҳар бир бола учун алоҳида махсус дафтар ту-тиб қузатиш ва ўтказилган тажрибаларнинг натижалари ёзиб борилади. Сўнгра бу натижалар таҳлил қилиб чиқилади.

Қўлга киритилган миқдорий ва сифат кўрсаткичлар-га асосланган ҳолда илмий хулосалар чиқариб, улар асослаб берилади. Сўнгра ҳар бир тадқиқ қилинган бола тўғрисида олинган маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, умумий хулоса чиқарилади.

Тадқиқот натижаларини умумлаштиришда қўлга ки-ритилган фактлар ва маълумотларни болалар психоло-гиясининг назарий асослари билан боғлиқ ҳолда ту-шунтириб бериш керак.

**Э с л а т м а:** Мактабгача тарбия педагогика билим юртлари ўқув режасида гарчи семинар машғулотлари учун соатлар берилмаган бўлса-да, амалий-лаборато-рия машғулотлари учун 20 соатлик вақт кўрсатилган. Бу эса педагогика олий ўқув юрти ўқув режасидаги соатлар миқдори билан баравар келади. Шунинг учун педагогика билим юрти ўқувчилари ҳам психологик амалиёт ишларини ушбу методик тавсияларимиздан фойдаланиб уюштиришлари мумкин. Чунки машғулот-лар мавзусида кескин фарқлар йўқ.



## Машгулотларнинг тахминий мавзулар режаси

Тартиб №	Машгулот мавзулари	Курс	Семестр	Амаллий машгулот	Лаборатория машгулоти
1.	Чақалоқларнинг дастлабки реакциялари. Жонланиш комплекси	II	III		2
2.	Гўдак бола ривожланишининг психологик хусусиятларини ўрганиш	>	>	2	
3.	Илк ёшдаги болаларда нарсаларнинг шаклини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш	>	IV	2	
4.	Илк ёшдаги болаларнинг таққослаш, анализ ва белги нишонларига қараб предметни таниш хусусиятлари	>	>		
5.	Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг психологик хусусиятларини ўрганиш	>	>	2	
6.	Боғча болаларининг ахлоқий тасаввурларни ўзлаштиришлари ва уларни ўз хатти-ҳаракатларида намоён қилишларини ўрганиш	>	>	2	
7.	Боғча гуруппаларида болаларнинг шахсларaro муносабатларини социометрик метод ёрдамида ўрганиш	II	IV		2
8.	Мактабгача ёшдаги болалар муҳокама юриштишларининг хусусиятлари	III	V	2	
9.	Мактабгача ёшдаги болаларнинг шахсини ўрганиш асосида студентлар ёзган педагогик-психологик характеристикаларни муҳокама қилиш	>	>		2
10.	Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг индивидуал типологик хусусиятлари ва уларни таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиш	>	>	10	2 10

АМАЛИЙ-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Амалий-лаборатория машғулотларини ўтказиш методикаси

II курс

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ  
(ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ)

Маъруза. Чақалоқнинг дастлабки реакциялари.  
Жонланиш комплекси

Тадқиқотнинг мақсади. Чақалоқларнинг ривожланишига оид маълумотларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифаси. Янги туғилган чақалоқ организмга хос хусусиятлар, антропометрик маълумотларни аниқлаш.

Тадқиқот методикаси. Тадқиқот бир ёшгача бўлган болалар уйи ёки болалар поликлиникаларида ўтказилади. Тадқиқот вазифасини амалга оширишда болалар муассасалари ёки поликлиникасидаги медицина ходимлари томонидан қўлланиладиган (антропометрик маълумотларни аниқлашда) асбоб ва жиҳозлардан фойдаланилади. Тадқиқот натижалари қўйидагича чизматасвирлардаги қарор (протокол) да расмийлаштирилади.

Биринчи қарор

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_

Қарор ёзувчи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Таблиц №	Чақалоқнинг исми	Еши (сеча оё-лиги, куйлиги)	Бўйи (см)	Қўлининг узунлиги (см)	Оёғининг узунлиги (см)	Кўзасидан кўри-ничага оралиқ (см)	Бош айланаси	Кўкрак рабаси айланаси (см)	Тана оғирлиги (кг, г)	Бош миёза оғир-лиги (грамм)	Илфас олинб, чинарчи соми (марга)	Юрак урили, пульсаар соми (марга)
1.												
2.												

Аниқланган (статистик) рақамли маълумотларга асосланиб, тадқиқотчи чақалоқ организмнинг мўътадил ёки номуътадил ривожни ҳақида хулоса чиқаради.

Чақалоқ организмни яхши парвариш қилишнинг шарт-шароитларини белгилайди.

2. Чақалоқнинг илк реакциялари ва уларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитларини аниқлаш.

Тадқиқот методикаси: кузатиш ва табиий экспериментдан фойдаланиб, чақалоқнинг ҳаракат ва хулқ-атвор активликлари кундаликда ва қарор (протокол) да қайд қилиб борилади. Дастлаб:

а) чақалоққа табассум билан боқиб, яқиндан туриб бош ирғаб сўз қотинг;

б) лунжи, иягига бармоғингиз учини енгил тегизиб, салгина қимирлатинг;

в) қўл бармоғингизни чақалоқнинг кафти, оёқ ости, қорнига теккизиб енгил қимирлатиб, силаб кўринг;

г) чақалоқнинг кўз ўнгида яқиндан туриб чапак чалинг;

д) рангли, ярқироқ предметни чақалоққа кўрсатиб кўринг;

е) чақалоқнинг кўз ўнгида предметни секин-аста ўннга, чапга, пастга, юқорига юргизиб кўринг;

ж) чақалоқни қўлга олинг, қорни билан, чалқанчаси ётқизиб кўринг;

з) чақалоқнинг қўлига буюмни тутқазиб кўринг ва ҳоказо.

Кўрсатган ҳар бир таъсиригизга чақалоқнинг берган реакцияларини қуйидагича чизма-тасвирли қарор (протокол) да қайд қилиб бординг.

Иккинчи қарор

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_

Қарор ёзувчи \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тартиб №	Чақалоқнинг исми	Еши (ой, кун)	Тадқиқот учун яратилган шароит ва тадқиқотчининг кўрсатган таъсири	Чақалоқнинг жавоб реакциялари	Дастлабки хулосалар
1.					
2.					
3.					

Тадқиқотнинг эксперимент кўрсаткичлари ва ёзиб борилган кундалик материалларига асосланиб, тадқиқотчи ўзининг кенгайтирилган умумий хулосаларини чиқаради. Чақалоқда «Жонланиш комплекси» ҳосил бўлишининг шарт-шароитларини тушунтириб, асослаб беради.

### Иккинчи машғулот (АМАЛИЙ)

**Мавзу.** Гўдак бола ривожланишининг психологик хусусиятларини ўрганиш

**Вазифалар:**

1. 3—12 ойликкача бўлган гўдак болаларнинг реакцияларини кузатиш. Унинг катталар билан муносабатга киришга тайёрланиши қайси ҳаракат реакцияларида намоён бўлишини аниқлаш. Гўдак қайси реакцияси билан катталар эътиборини ўзига тортишга уринди?

2. 10—12 ойликкача бўлган бир нечта боланинг пассив ва актив сўз бойлигини текширинг. Аввал яхшилаб ўйлаб кўринг: топшириқни қандай қилиб яхши, самаралироқ бажариш мумкин, кузатиш режасини тuzиб олинг. Тадқиқ қилинаётган болалар нутқининг ривожланишидаги индивидуал фарқлар ҳақидаги ўз хулосаларингизни ёзинг.

3. Гўдак ёшдаги болаларни кузатинг. Боланинг ривожланиш даражаси ва унинг нормага мос ёки мос эмаслигини тушунтириб беринг.

4. Бир ёшнинг охирига келиб боланинг тарбиясида кризисли вазиятлар пайдо бўла бошлайди. Сизнингча, бундай ҳолатларни қандай усуллар билан енгиллаштириш мумкин? Тарбиячиларнинг иш тажрибаларини кузатишларингиз асосида ўз хулосаларингизни, таклифларингизни ёзинг ва асослаб, тушунтириб беринг.

5. Утказган тадқиқотларингиз бўйича ёзиб борган кундаликларингизга асосланиб, гўдаклик ёши давридаги болаларнинг психологик хусусиятларига умумий харақтеристика беринг.

### Учинчи машғулот (АМАЛИЙ)

**Мавзу.** Илк ёшдаги болаларда нарсаларнинг шаклини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш

**Вазифалар:**

1. 2—3 ёшгача бўлган болалар группасида турли хил геометрик шакллар ёрдамида болалар билан ўт-

казиладиган машғулотларни кузатиб, группа тарбиячисининг иш усуллари:

а) болаларга куб ва шарни қутича тешигига тушириш;

б) ғиштча ва уч қиррали призма («том»ни) қутича тешикларига тушириш;

в) ясси шаклларни тешикларга туширишга ўргатиш бўйича тажрибаларни ёритиб, ўз хулосаларингизни ёзиб бориш.

2. Болаларни предметларнинг шакли билан таништиришда сенсор кўникмаларни таркиб топтириш бўйича «ажойиб халтача» дидактик ўйинини ўзингиз ўтказинг ва ўйиннинг бориши ҳамда унинг боланинг психик ривожланишига таъсири ҳақида ўз хулосаларингизни ёзинг.

3. Қуйидаги саволларга жавоб ёзиб, тема юзасидан муҳокамага тайёрланинг:

1. Илк ёшдаги болалар сенсор тарбиясининг зарурлиги.

2. Сенсор тарбиясининг вазифалари.

3. Сенсор тарбиясининг методлари.

4. Илк ёшдаги болаларнинг шаклни идрок қилиши.

5. Болаларни предметларнинг шакли, ранги билан таништириш усуллари.

6. Болаларни қандай қилиб турли геометрик шаклларни таққослашга ўргатиш керак?

7. Болаларни қандай қилиб икки хил шаклдаги предметлар; кўзиқорин, кўзачалар, байроқчалар, кубикларни намунасига қараб танлашга ўргатасиз?

#### **ТУРТИНЧИ МАШҒУЛОТ (ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ)**

**М а в з у.** Илк ёшдаги болаларнинг таққослаш, таҳлил қилиш ва белги-нишонларига қараб предметни танлаш хусусиятлари

**Мақсад:** илк ёшдаги боланинг айрим предметларга тааллуқли белгиларни мақсадга мувофиқ равишда таҳлил қила олиш ва ҳар хил предметлардаги ўхшаш белгиларни ихтиёрий равишда таққослаш хусусиятини аниқлаш. Таниш предметларнинг белгиларини англай олиш қобилиятларини текшириш.

**Биринчи вазифа.** Айнан бир хил бўлмаган, ammo ўхшашликка эга бўлган бир хил исмли 2 та предметни таққослаш. Уларнинг фарқи ва ўхшаш белгиларини топиш.

Эксперимент материали: бир-биридан 2—3 та белгилари билан фарқланадиган 2 та ёғоч қўғирчоқ ёки 2 та қуёнчалар.

Тадқиқот методикаси: тадқиқотчи: «Диққат билан мана шу ёғоч қўғирчоқларга қараб менга айт-чи, уларнинг иккаласи бир хилми ёки бир хил эмасми?», — деб савол беради. Боланинг берган жавобидан сўнг: «Нима учун бу қўғирчоқларни бир хил (бир хил эмас) деб ўйлайсан?», — деб сўрайди.

Боланинг жавоблари қуйидагича чизма тасвирдаги қарор (протокол) да қайд қилинади.

Биринчи қарор

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_

Қарор ёзувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Ёши \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тартиб №	Тадқиқотчидан берилган топшириқ, таққосланувчи	Боланинг топширикни бажариши			
		Материалнинг бир ёки бир хил эмаслигини тасдиқловчи жавоб	Фарқи белгилар	Ўхшашлик белгилари	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари
1.	2 та ёғоч қўғирчоқ (матрешка), фарқли белгилари: ранги, катталиги ва ҳоказо				

Сўнгра тадқиқотчи боланинг жавобларини асослашиб, предметни қисмларга ажратиш, унинг қатор белгиларини фарқлаш ва уларнинг муносабатларини аниқлай олиш қобилиятлари ҳақида хулосалар чиқаради. Агар бола берилган топшириқни мустақил бажаришда қийналса, тадқиқотчи унга ўзининг қўшимча саволлари билан ёрдам бериб бориши мумкин.

Иккинчи вазифа. Белги-нишонларга қараб предметларни таниш хусусиятларини аниқлаш.

Эксперимент материаллари: болаларга таниш бўлган предметлар: бодринг, помидор, лавлаг,и

тарвуз, олма, апельсин (парафиндан, мумдан тайёрланган) каби сабзавот, мевалардан болаларга таниш предметлар ёки уларнинг расмлари (3—4 та).

Тадқиқот методикаси: танланган предметларни кўрсатиб, тадқиқотчи боладан сўрайди: «Бунима?» Сўнгра болаларнинг жавобини равшанлантирувчи: «Нима учун сен буни бодринг (тарвуз, ... олма) деб ўйлайсан, балки бу апельсиндир?», «Бунинг помидор (лавлаги...) эканлигини қандай қилиб билдинг? деган саволлар беради.

Боланинг жавоблари ва ҳаракатлари қуйидагича чизма-тасвирдаги қарор (протокол) да қайд қилинади:

Иккинчи қарор

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_

Қарор ёзувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Ёши \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тартиб №	Боланинг таниб олиши учун тавсия этилган предмет	Боланинг таниб олган предмети-нинг номи	Таниб олишда фойдаланган воситалар (белгилар)	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари
1.	Бодринг	бодринг	чунки яшил, узунчоқ	
2.	Тарвуз	...	...	
3.	Лавлаги	...	...	

Учинчи в а з и ф а. Предметларни намуна, нусхага қараб таниб олиш.

Тадқиқот материали: намуна сифатида 1 та предметли расм ва яна бир нечта шунга ўхшаш расмлар.

Тадқиқот методикаси: тадқиқотчи битта намунавий расмни болага кўрсатиб, бошқа расмлар ичидан намунадагига ўхшаш бўлган 3 та расмни танлаб беришни ундан сўрайди. Бола танлаб бўлганидан сўнг: «Сен нима учун айнан шу расмларни танладинг?»,— деб сўрайди.

Тадқиқот натижаси қуйидагича чизма-тасвирли қарор (протокол) да қайд қилинади.

Учинчи қарор

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_

Қарор ёзувчи \_\_\_\_\_

Текширилувчи \_\_\_\_\_

Ёши \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Тартиб №	Тавсия қилинган намуна (расм)	Боланинг танлаган расмлари	Боланинг танлашни асослаши	Тадқиқотчининг дастлабки хулосалари

Тадқиқотнинг учала вазифаларининг бажарилиш натижалари асосида умумий хулоса чиқарилади.

**БЕШИНЧИ МАШҒУЛОТ (АМАЛИЙ)**

**М а в з у. Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг психологик хусусиятларини ўрганиш**

**В а з и ф а л а р:**

1. Боғча ёшидаги турли группа болаларининг сюжетли-ролли ўйинларини кузатиш ва:

- а) ўйиннинг номи, мазмуни;
- б) ўйиндаги роллар ва уларнинг тақсимланиши;
- в) ўйинда нималардан фойдаланилгани;
- г) ўйиннинг қандай давом этиши ва мазмунининг қандай ўзгариб бориши;
- д) шу ўйиннинг боланинг психик ривожланишига таъсирини аниқлаб, кундалик ёзинг.

2. Ўйинни ташкил қилиш, ролларни тақсимлаш ва унга раҳбарлик қилишда тарбиячининг ролига баҳо беринг ва ўз хулосаларингиз, тақлифларингизни ёзинг, тушунтириб беринг.

3. Боғча ёшидаги болаларнинг тасвирлаш, қуриш-ясаш, конструкциялаш ва меҳнат машғулотларини кузатиш ва анализ қилиш.



## ОЛТИНЧИ МАШҒУЛОТ (АМАЛИЙ)

**Мавзу. Боғча болаларининг ахлоқий тушунчаларни ўзлаштиришлари ва уларни ўз хатти-ҳаракатларида намоён қилишларини ўрганиш**

**Вазифалар:**

1. Болалар адабиёти материаллари (ҳикоялар, эртаклар) асосида ахлоқий сифатлар ҳақида болалар билан:

а) нима яхшию, нима ёмонлигини;

б) софдиллик, чинсузлик, адолатлилик, сахийлик ва ҳоказолар ҳақида суҳбатлашиб, болаларнинг жавобларини қарор (протокол) да қайд қилиб бориш;

в) ахлоқий сифатларнинг болаларда намоён бўлишини талаб қилувчи вазиятни яратиш.

2. Боланинг жавобларини унинг хатти-ҳаракатлари билан таққослаб, тегишли хулосаларни ёзиб бординг. Юритилган ёзувлар асосида болаларда ижобий ахлоқий сифатларни таркиб топтириш йўл-йўриқлари бўйича таклиф ва мулоҳазаларни айтинг.

## ЕТТИНЧИ МАШҒУЛОТ (ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ)

**Тема. Социометрик метод ёрдамида болалар гуруҳида шахслараро муносабатларни тадқиқ қилиш**

**Тадқиқотнинг вазифаси.** Боғча болалари ўртасидаги шахслараро муносабатларни, болаларнинг ўзаро муносабатларидаги қийинчиликларни, айрим болаларнинг шахслараро муносабатга киришишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини аниқлаш.

**Тадқиқот методикаси.** Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун аввал социометрик метод қўлланилади. Шу йўл билан болаларнинг шахслараро муносабатлари қандайлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидагича саволлар орқали болаларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб чиқилади.

1. Сен ким билан бирга ўйнашни истайсан? (Нима учун?)

2. Сен ким билан бирга стол безашни, тузашни истайсан? (Нима учун?)

3. Сен ўйинчоқларни ким билан бирга йиғиштиришни истайсан? (Нима учун?)

4. Сен туғилган кунингни нишонлашга кимни таклиф қиласан? (Нима учун?)



Тартиб №	Текширилувчи боланинг исми ва фамилияси							
		Сохий	Яхши	Уришмайди	Ўйинчоғини бериб туради	Ўйинларни ўйлаб чиқари (ўйинга қўшади)	Қўшни яшайди (яқин жойда яшайди)	Бошқа сабаблар

5- гуруҳга — рад этилган (ҳеч ким бирга ўйнаш, бирга стол тузашни, туғилган кунга таклиф қилишни хоҳламаган, назардан қолган) болаларни киритиш лозим.

1- гуруҳга кирувчи болаларни (А — ўғил, О — қиз) тегишли белгилар билан марказий айлана орасига;

2- гуруҳга кирувчи болаларни биринчи (марказий) ва иккинчи айлана орасига;

3- гуруҳга кирувчи болаларни иккинчи ва учинчи айлана орасига;

4- гуруҳга кирувчиларни учинчи, тўртинчи ва ҳоказо айланалар орасига кўрсатилади.

Қиз болаларни социограмманинг чап қисмига, ўғил болаларни ўнг қисмига жойлаштиринг. Бир томонлама танланган болаларни узуқ-узуқ (пунктир чизиқли) стрелка билан, ўзаро бир-бирини танлаган болаларни эса сидирға чизиқ билан кўрсатинг.

Танлаш белгиларига қараб кичкина гуруҳларнинг сони ва составини билиб олиш ва қиз болалар билан ўғил болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш мақсадида олинган маълумотларни пухта таҳлил қилинг.

Болаларнинг ўзаро танлаш мотивларини (сабабларини) аниқлаш учун ҳар бир бола билан индивидуал суҳбат ўтказинг. Болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир этиш ва ҳар бир боланинг (айниқса «ёқимсиз» ва бошқалар «менсимайдиган» болаларнинг) коллективдаги аҳволини яхшилаш мақсадида бундай

болаларнинг ижобий томонларини алоҳида таъкидлаган ҳолда тушунтиришлар олиб боринг.

Болаларнинг шахслараро муносабатлари нақадар мустақамланганлигини ва тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини аниқлаш учун экспериментни 4—6 ой-дан кейин яна такрорланг.

### III курс

#### УЧИНЧИ КУРС. САККИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ (АМАЛИЙ)

##### Тема. Мактабгача ёшдаги болаларнинг муҳокама юритиш хусусиятлари

###### Вазифалар:

1. Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурининг психологик хусусиятларини тушунтириб беринг. Болаларда қайси ёшдан бошлаб муҳокама юритишнинг ривожланаётганлигини кўриш мумкин?

2. Болаларнинг сузувчи ва чўқувчи предметларни кузатишларини ташкил қилинг.

3. Нима сувда сузади-ю, нима чукади деган саволга уларнинг берган жавобларини қарор (протокол) га ёзиб боринг.

4. Нима чўкиши, нима сузиши сабаблари тўғрисидаги болалар жавобларини жиддий таҳлил қилинг.

5. Болаларга сувнинг уч ҳолатда учраши мумкинлиги ва унинг сабабларига оид саволлар беринг.

6. Болаларга берилган саволлар ва уларнинг жавобларини қарорлаштириб, таҳлил қилинг ва болалардаги муҳокамали тафаккур ҳақида хулоса чиқаринг.

7. Болаларда психик процессларнинг ривожланиш даражасини аниқлашда кузатиш ва эксперимент методларининг қайси турларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Танлаган методларингизни асослаб беринг. Уларнинг самарадорлигини исботланг.

#### ТУҚҚИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ (ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ)

##### Тема. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга педагогик-психологик характеристика ёзиш

###### Намунавий схема

Кузатиш учун уч нафар (ҳаракатчан, сусткаш ва вазмин) болани танлаб, қуйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилинг:

I. Умумий маълумотлар:

- а) бола тарбияланаётган муассаса, гуруҳ;
- б) туғилган куни ва йили;
- в) фамилияси, исми, отасининг исми;
- г) жисмоний камолоти ва саломатлиги;
- д) қайси оиладан эканлиги, яшаш шароити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари;
- е) шу муассасага қачондан қатнай бошлаганлиги.

II. Гуруҳ тарбиячиси ва болалар билан муомала муносабати:

1) Боланинг гуруҳдаги обрўи, бошқа болаларни ёқтириши, шунингдек, уни ҳам бошқа болаларнинг ёқтириш-ёқтирмаслиги;

2) Гуруҳда жимлар билан иноқ? Уларнинг иноқлиги нималарда кўринади?

3) Болалар билан келиша олмай жанжаллашадими, нима сабабдан?

4) Гуруҳда ўзини эркин ҳис қиладими, гуруҳдаги умумий ҳолат унга ёқадими, сабаби нимада?

5) Ўзининг боғчага қатнаётганидан хурсандми?

6) Гуруҳ тарбиячиси билан муносабати қандай, уни ёқтирадими, ҳурмат қиладими?

III. Боланинг фаолияти ва психик процессларининг ривожланиш даражаси:

1) Кузатилган болаларнинг машғулотлардаги активлиги;

2) Боланинг сўз бойлиги, нутқининг образлилиги, эмоционаллиги, ифодалилиги, ўз фикрини оғзаки баён қила олиши, гапириш суръати ва овоз тони.

3) Боланинг машғулотларга қизиқиши, қайси машғулотга кўпроқ қизиқиши.

4) Бола диққатининг ихтиёрийлиги, тупланиши, кучи, барқарорлиги ва тақсимланиши.

5) Боланинг хотираси, эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга туширишнинг тезлиги, механик ёки мантиқийлиги.

6) Боланинг тафаккури: таққослай олиши, таҳлил қилиши, умумлаштира олиши. . .

7) Ўйин ва машғулотларда бола хаёлий образларининг намоён бўлиши.

8) Боланинг билишга интилиши, қизиқиши ва тиришқоқлиги.

9) Тарбиячи томонидан берилган топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги.

10) Болада тасвирлаш, меҳнат, бадий фаолиятларнинг қай бирига қобилият кучлироқ сезилади?— Бу ҳақда тарбиячи ва ота-онаси билан суҳбатлашиш орқали ҳам маълумотлар олиш мумкин.

#### IV. Боланинг интизоми:

1) Гуруҳдаги кун тартиби, интизом қоидаларига амал қилиши.

2) Берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришга улгуриб борадими?

3) Топшириқларни бажаришдан бош тортмайдими ёки қандай топшириқларни бажаришдан бош тартади?

4) Гуруҳда тўполончими ёки вазмин-босиқ, осойиштами?

#### V. Боланинг характери ва темпераменти:

1. Боланинг характерига хос ижобий ва салбий ҳислатларни ифодалаб беринг. Ахлоқий ҳислатлари; зийраклиги, саҳийлиги, худбинлиги, қўполлиги, хушмуомалалиги, раҳм-шафқатлилиги, ёқимтойлиги, ёлғончилиги, чинсўзлиги ва ҳоказо.

Иродавий сифатлари: қатъийлиги, мустақиллиги ёки ёрдамга муҳтожлиги, ўз кучига ишониш-ишонмаслиги, кўнгилчанлиги, қатъиятсизлиги, бушанг-эринчоқлиги, сабр-тоқатлилиги, итоткорлиги, қайсарлиги ва ҳоказо.

2. Темпераментига хос ҳислатлари: кузатилаётган боланинг эрталаб боғчага қандай суръат билан кириб келиши, болаларга қандай қўшилиб кетиши, бирга келган кишиси билан қай тарзда ажрашиши, машғулотда топшириқларни қай суръатда (ҳаммадан олдинми ёки ҳаммадан кейинми) бажариши. Тарбиячининг ёрдамига муҳтожми ёки мустақилликка эгами?

3. Нутқ суръати, ҳаракатчанлиги, ҳиссиётларининг пайдо бўлиш тезлиги ва ташқи ифодаси қандай?

4. Кайфияти: қувноқ-хушчақчақлиги, тунд-ғамгинлиги, бадгумонлиги, ўзини четга олиб юриши ёки тегажоқ, апоқ-чапоқлиги, беғаразлиги, аразчилиги ва ҳоказо.

5. Болани темпераментнинг қайси типига кириши тўғрисида хулоса чиқаринг. Уларга қандай индивидуал муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисида ўз маслаҳатларингизни ёзинг.

6. Кузатиб, ўрганганларингизга асосланиб, психологик-педагогик характеристика ёзинг.

7. Студентларнинг болаларга ёзган психологик характеристикаларини муҳокама қилиш.

УНИНЧИ МАШҒУЛОТ (ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ)

Тема. Кичик мактаб ўқувчиларининг  
индивидуал-типологик хусусиятлари

Тадқиқотнинг мақсади: Тадқиқот қилувчи ўқувчининг умумий ҳаракатчанлиги, нерв процессларининг кучи, мувозанатлашганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш.

Тадқиқотнинг вазифаси:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи нерв фаолиятининг типини белгилаш.

2. Табиий эксперимент ўтказиш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг темпераментига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот методикаси: Берилган топшириқларни бажаришга ўз вақтида улгура олмайдиган, аммо синфда унчалик қолоқ ҳисобланмайдиган 3 нафар ўқувчини уй вазифаларини бажартириш учун дарсдан сўнг синфда олиб қолинг. Уларга ҳамма предметлар бўйича уй ишларини бажаришни топширинг. Ўзингиз эса уларнинг ҳар бири уй ишини қандай бажараётганини кузатинг. Кузатиш натижаларини кундаликка ёзиб боринг.

Кузатишда қуйидагиларни ҳисобга олинг:

1. Дам олмасдан узоқ вақт ишлай оладими?

2. Иш устида унинг диққати барқарорми ёки беқарорми?

3. Боланинг чарчаш тезлиги ва чарчашнинг олдини олиши қандай?

4. Топшириқни бажараётганда боланинг ҳис-туйғуларни (иш ютуғидан хурсанд бўлиш, муваффақиятсизликдан қайғуриш) аниқ намоён бўлаяптими?

5. Топшириқни бажараётганда боланинг ҳиссиётлари тез-тез ўзгариб турибдими ёки барқарорми?

6. Мақсадга эришиш учун қийналишга қандай бардош бераяпти?

7. Унинг ишидаги камчиликларни кўрсатганингизда ўзини босиқ тутадими ёки асабийлашадими?

8. Фаолиятга (иш бажаришга) тез киришадими ёки секин?

9. Бир топшириқни бажаргандан кейин бошқа топшириқни бажаришга тез ёки суст киришадими?

Тадқиқот натижасини таҳлил қилиш:

а) ҳар қайси ўқувчида нерв процессларининг кечиши;

- б) нерв процессларининг мувозанатлашган ёки му-  
вонанатлашмаганлиги;
- в) нерв процессларининг ҳаракатчанлик даражаси;
- г) бола ҳиссиётининг кучи ва барқарорлиги;
- д) боланинг умумий ҳаракатчанлиги.

Олинган маълумотларни таққослаб кўриб, ҳар қайси ўқувчининг олий нерв фаолияти ва темпераменти типи-  
ни белгилашга оид хулоса чиқаринг. Таълим-тарбия  
процессида ўқувчиларга индивидуал муносабатда бў-  
лиш йўл-йўриқлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингиз,  
таклифларингизни ёзинг.

Болага психологик характеристика ёзиш жадвали

Тар- тиб №	Бола- нинг исми	Боланинг умумий ҳаракатчанлиги, шундан эриш темини, ҳиссиёт- лининг қўзғалтиши ва ташқи ифодаси ирода хусусият- лари	Боланинг диққа- ти, хотирасига ҳос хусусиятлар, фисқолаш фаолият- тининг тезлиги ёки сезишлиги	Товарак-агрессив муносабатлари ва унинг инфо- даси сезирилиги ва ишлаш қоби- лияти	Нерв системаси ва темперамент- нинг тури	Болага нисбатан индивидуал му- носабатда бўлиш лозимлиги ва қанда талқинотчи- нинг хулосаси



И Л О В А Л А Р

1- и л о в а

**Болалар боғчасида машғулотларни кузатиш ва уларнинг таҳлили**

**1. Машғулотни психологик кузатиш схемаси**

1. Ясли-боғча № . . . . .
2. Машғулот . . . . .
3. Машғулот мавзуси . . . . .
4. Ёш гуруҳи . . . . .
5. Тарбиячи . . . . .
6. Сана . . . . .

Машғулот бос- қичлари ва вақти	Тарбиячининг машғулотдаги фаолияти	Машғулотда бо- лаларнинг фао- лияти	Машғулотда кузати- лаётган психоло- гик ҳодисаларнинг таҳлили

**II. Машғулотга аналитик таъриф бериш схемаси**

1. Тарбиячининг болаларнинг ўқув материални идрок қилишини ва уларда кузатувчанликни шакллантиришларини ташкил қилиши

2. Болаларнинг диққатини жалб қилиш усуллари

3. Машғулотда болаларнинг материални тушуниб эслаб қолишини таъминлаш учун тарбиячи қандай усуллардан фойдаланди? \_\_\_\_\_

4. Машғулот жараёнида болалар қандай асосий тушунча ва тасавурларга эга бўлдилар? \_\_\_\_\_

5. Машғулотда болаларнинг қандай ақлий топшириқларни бажарганликларини психологик таҳлил қилинг \_\_\_\_\_

6. Машғулотда болаларнинг онги қандай шаклланди? \_\_\_\_\_

7. Тарбиячининг ва болаларнинг нутқ фаолиятини таҳлил қилинг:

- а) нутқнинг мазмундорлиги;
- б) равлонлиги;

- в) ифодалилиги;
- г) образлилиги ва ҳоказо.

8. Болалар талаффузи ва нутқидаги камчиликларга психологик характеристика беринг.

9. Тарбиячи таълимнинг қандай усулларидан фойдаланди?

10. Машғулот материални баён қилишда тарбиячи болаларнинг ижодий ва тасаввур хаёлларидан қандай фойдаланди?

11. Машғулот давомида болаларда қандай ҳис-туйғулар ҳосил бўлди ва уларнинг сабаблари

12. Машғулот давомида болаларда қандай иродавий сифатлар шаклланди?

13. Машғулот жараёнида болаларда қандай қизиқишлар ҳосил бўлди?

14. Тарбиячи қайси болалар билан индивидуал муносабатда бўлди?

15. Машғулот жараёнида тарбиячи ўзининг характер хислатларини қандай намоён қилди?

16. Яна қандай фикр-мулоҳазаларингиз бор?

### III. Машғулотга синтетик таъриф бериш схемаси

1. Машғулотнинг асосий мақсади \_\_\_\_\_

2. Машғулотнинг ғоявий йўналиши \_\_\_\_\_

3. Машғулот жараёнида болаларнинг хотира, тафаккур, идрок, хаёл процесслари қандай ўрин тутди?

4. Машғулотда болалар ақлий фаолиятининг қанақа усуллари шаклланди?

5. Машғулотда болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари қандай ҳисобга олинди?

6. Машғулотда болаларнинг фаоллиги ва интизоми қандай бошқарилди?

7. Тарбиячи машғулот ўтказишда қандай ютуқларга эришди ва қандай камчиликларга йўл қўйди?

8. Машғулотнинг самарадорлигини ошириш бўйича қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?

И м з о: тарбиячи (студент-практикант)  
психолог-методист

2- илова

Психологиядан курс имтиҳонлари

Мазкур иловада умумий ва болалар психологиясидан курс имтиҳонлари учун изоҳномалар, имтиҳонлар учун намунавий саволлар мажмуаси, имтиҳонларга тайёрланиш бўйича маслаҳатлар берилган.

Иловада берилган изоҳномаларда курс имтиҳонларининг бўлажак касбларни муваффақиятли эгаллаб олишдаги мақсади, аҳамияти ҳамда имтиҳонларга тайёргарлик соҳасида талабалар олдига қўйиладиган талаблар ҳақида тушунчалар берилган.

Иловада берилган намунавий саволларни тузишда умумий ва болалар психологияси курсларини ўқитиш дастурининг барча қисмларига оид масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Мазкур иловалар педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультети I—IV курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, С. Айний номли Самарқанд Давлат педагогика институти мактабгача тарбия педагогика-психологияси кафедраси аъзоларининг имтиҳон синовларини ўтказишга доир иш тажрибалари асосидаги хулосаларни умумлаштирилган ҳолда берилди.

Имтиҳонларга оид иловаларни беришдан мақсади талабаларнинг имтиҳонга ҳозирлик кўришлари учун қулайлик яратиш ва имтиҳонга тайёрланиш учун олдиндан ҳозирлик кўришни таъминлаш; курс мазмунига оид билим ва тушунчаларни чуқур, мукамал ўзлаштиришларига ёрдам беришдан иборатдир.

Психологиядан курс имтиҳонларининг вазифаси бўлажак педагогларнинг психологияга оид билимларни нечоғлик ўзлаштирганлигини текширишдан иборатдир.

Имтиҳон қилинаётган талаба ўз жавобида билим ва тушунчаларининг қанчалик чуқур ўзлаштирилганлигини кўрсатиши керак. Талаба ўз жавобларида:

а) таълим-тарбия, педагогика-психология муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни тушуниб баён эта олиши;

б) жавобнинг юксак ғоявий ва илмий бўлишига интилиши;

в) психологик тадқиқотчиликда фойдаланиладиган методларнинг қўлланишини амалий усуллар билан тушунтириб бериши;

г) ўз тушунчаларини кўргазмалар қуроллардан фойдаланган ҳолда баён қилиб бера олиши;

д) илмий психологик муаммоли вазиятларни таҳлил қила олиши;

е) фикрларнинг яққол, системали ва муайян изчилликда бўлишига эришмоғи лозим.

### Имтиҳонларга тайёрланиш услублари ҳақида

Имтиҳонларнинг қанақа натижа билан тугаши кўп жиҳатдан унга талабаларнинг қандай тайёрланишига боғлиқ. Имтиҳонга тайёрланишни ҳам билиш керак. Афсуски, кўпгина талабалар бу ишни яхши ташкил қила олмасдан қийналиб юрадилар. Тайёргарликни нимадан бошлаб, нима билан ва қандай тугатиш, имтиҳонга ҳозирлик ишларини қандай қилиб тўғри режалаштириш, вақтни тўғри тақсимлашни билмайдилар. Имтиҳонга тайёрланиш учун қулай пайт танлаб, ундан самарали фойдаланиб бордини билмайдилар. Вақт тақсимотида исрофгарчиликка йўл қўядилар. Шуларни ҳисобга олиб, қуйида биз айрим маслаҳатлар берамиз.

Имтиҳонларга тайёрланиш мазкур фандан ўтилган дастлабки лекциялардан бошланади. Семестр бошланиши биланоқ талабанинг ўқиши семестр охирида имтиҳонларни мўмкин қадар яхши топширишдан иборат бўлиши керак. Имтиҳонларга тайёрланиш учун системали равишда ўқиб бориш, вақтдан оқилона фойдаланиш лозим.

Қисқа қилиб айтганда, ҳеч бир лекция ёки машғулотларни қолдирмай, уларнинг ҳаммасига қатнашиш, лекцияларни ёзиш билан ушбу ёзувларни ўз вақтида диққат билан ўқиб, бошқа ашёлар, қўшимча машғулотлар билан тўлдириб бориш керакки, семестр охирида ундан фойдаланиши осон бўлсин. Англашилмаган ҳар бир масалани ўқитувчидан сўраб, аниқлаб олиш керак. Содир бўлган ҳар бир қийинчилик, равшан англашилмаган масалаларни ўз вақтида (ўқитувчидан сўраб, китобдан ўқиб) ҳал этиб олишга ҳаракат қилиш даркор.

Лекциялар тугаб, имтиҳонларга тайёргарлик бошланади. Одатда ҳамма заҳётларни топширган талабалар имтиҳон топширишга қўйилади. Эълон қилинган имтиҳон жадвалидаги биринчи имтиҳонга тайёрланишга киришган вақтда бошқа имтиҳонларни ўйламаслик керак. Тайёрланиш вақтида имтиҳонга алоқадор лекция конспекти, китобдан олинган конспект, дарслик ва бошқа ашёларни ҳозирлаб олиш керак. Бундай вақт-

ларда талабалар учун қулай шароит яратиш лозим. Тайёрланиш учун ҳалал берадиган одамларнинг гапидан, радио, телевизор шовқинидан холи жой бўлиши керак.

Бир мавзудан ёзиб олинган конспектни ўқиб бўлгач, шу мавзуга доир бошқа китоб ва қўлланмаларни ўқиш зарур. Мана шу мавзу тўла аниқланиб, яхши ўрганиб олингандан кейингина, навбатдаги мавзунини ўрганишга ўтиш даркор. Тайёргарлик вақтида мавзу юзасидан пайдо бўлган шубҳали ўринларни англаб ололмаган масалаларни (консультация вақтида ёки ўртоқлардан сўраб олиш учун) алоҳида қоғоз ёки дафтарга ёзиб бориш зарур.

Консультациялар 4—6 соат давом этади. Гарчи талабаларнинг ўқитувчидан сўраб оладиган масаласи бўлмаса ҳам консультацияларга қатнашиши керак.

Имтиҳонларга тайёрланишда эрталаб, кундузи ва кечқурун ўқиш яхши. Кечаси соат 11 дан кейин ўқимаслик керак. Имтиҳон арафасида, айниқса кечаси яхши ухлаб дам олиш маъқул. Имтиҳон кунини эрталаб яхши овқатланиб, руҳан тетик ва бардам ҳолда имтиҳонга бориш яхши баҳо олишга имкон беради.

Имтиҳон топширишдаги навбатни, одатда талабаларнинг ўзлари аниқлашлари, баъзида рўйхатдаги алфавит тартибида топширилиши керак. Шунинг учун имтиҳонга эрталаб келиб олиб, навбат кутиб чарчаб ўтириш яхши эмас. Талаба ўз «навбати»дан бир-бир ярим соат илгари келгани маъқулроқдир.

Сўнги йилларда имтиҳонларни ўтказишда янгича тартиб расм бўлиб бораёпти. Бунда ўқув гуруҳининг барча талабалари имтиҳон бўладиган аудиторияга кириб ўтирадилар ва гуруҳдошларининг жавобларини тинглаб (жимликни сақдаганлари ҳолда) борадилар.

Бизнинг назаримизда, имтиҳонни бу тартибда ўтказиш анча маъқул. Чунки бундай шароитда талабаларнинг ортиқча ҳаяжонланишига ўрин қолмайди. Ўзларини эркин тутиб, «навбатлари» келгунга қадар бўлган вақт давомида ўзидан олдинги жавоб берган ўртоқларини тинглаб бориш имконига эга бўладилар. Бу эса уларнинг мазкур курс, фан юзасидан олган билимларининг мустаҳкамланиб боришига ёрдам беради.

Имтиҳон билетлар ёрдамида ўтказилади. Ҳар бир билетда 2 та ёки 3 та савол бўлади. Талаба билетни олгач, уни диққат билан ўқиб чиқиши керак ва шоммас-

дан жавобга ҳозирланиши зарур. Ундан фақат шу билетдаги саволларга тўла жавоб бериш талаб этилади. Баъзида талабанинг шошиб қолиши ёки эътиборсизлиги натижасида билетдан ташқаридаги масалаларга ўтиб кетиш ҳоллари учрайдики, бу вақтнинг беҳуда сарф бўлишига ёки талабанинг имтиҳондан ўта олмай қолишига сабаб бўлади.

Билетни олиб тайёрланган вақтда дастлаб эсда сақланган материал асосида жавоб ёзиб борилади, кейин ушбу ёзилганларни маълум тартибга солиб, қайта ёзиш ёки таҳрир қилиш, унга қўшимчалар киритишга тўғри келади. Талаба мана шу сўнгги конспектига асосан жавоб беради. Албатта, билетларига қараб мукамал жавоб — конспект ёзиш шарт эмас. Лекин олдиндан тайёрланган ёзиб олиш жавоб беришни осонлаштиради.

Ўқитувчи талабанинг жавоби тугамагунча унга қўшимча савол бермаслиги керак. Талабанинг жавобини диққат билан эшитиб бўлгач, у ёки бу фактларни қўшимча аниқлаш учун талабага саволлар беради. Бу талабани чўчитмаслиги керак, чунки ўқитувчининг бу саволи фақат талабанинг билимини аниқлаш, унга ёрдам беришни кўзда тутати.

Талаба ўқитувчидан юқорироқ баҳо қўйишни талаб этмаслиги керак. Бу ўта маданиятсизлик эканлигини талаба яхши билиши лозим.

Имтиҳонлар талабанинг билимини аниқлашгина эмас, балки улар талаба билимини мукамаллаштиришга, уни системалаштиришга ҳам хизмат қилади.

Баъзи талабалар «қониқарсиз» баҳо қўйиш гўё ўқитувчини хурсанд қилади деб ўйлайдилар. Бу фикр тамомила нотўғри. «Қониқарсиз» баҳо қўйиш ўқитувчи учун оғир. У иккинчи маротаба вақт сарф этиб, қайта имтиҳон олиши керак бўлади.

Имтиҳон олинаётган вақтда коридорда тўла жимлик бўлиши керак. Коридордаги гап, шовқин имтиҳон олувчига ва жавоб бераётган талабага катта халал беради. Имтиҳон топширганлар буни яхши тушуниб, тинчликни сақлашлари керак.

## Умумий психология

### Изоҳнома

Педагогика-психология (мактабгача тарбия) факультетининг ўқув режасида биринчи курс I—II семестрлари давомида «Умумий психология» курсидан 60 соат

лекция, 22 соат семинар, 10 соат лаборатория машғулотлари ўтказилиб, ўқув йили охирида курс имтиҳони қабул қилиш белгиланган.

Қуйидаги берилган саволлар мажмуаси педагогика институтларида умумий психология ўқитишнинг амалдаги дастури асосида тузилган. Мазкур саволлар мажмуасини тузишда умумий психология ўқитиш дастурининг: психология курсига кириш; шахс, фаолият ва мулоқот; билиш фаолиятлари; шахснинг эмоционал-иродавий сифатлари; шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари сингари қисмларига оид барча мавзуларга тегишли бўлган саволларни киритишга ҳаракат қилдик.

## С а в о л л а р :

### I. Психологияга кириш

1. Психология фани ҳақида тушунча.
2. Психология тарихининг асосий босқичлари.
3. Психиканинг рефлекторлик характери.
4. Нерв системасининг тузилиши ва психика.
5. Психика — эволюцион жараённинг маҳсули ва фактори эканлиги.
6. Психика ва онг, онгнинг тузилиши.
7. Фалсафа илмий психологиянинг методологик асосидир.
8. Психологиянинг ривожланиш тарихи.
9. Ҳозирги замон психологияси ва унинг фанлар системасида тутган ўрни.
10. Капиталистик мамлакатларда психология фани.
11. Психология фани ва унинг асосий принциплари.
12. Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши.
13. Умумий психология ҳақида тушунча.
14. Психология фанининг методлари.
15. Психика материя эволюцион тараққиётининг натижасидир.
16. Сесканувчанлик. Тропизмлар ҳақида тушунча.
17. Инстинктлар ҳақида тушунча.
18. Ҳайвонларнинг ақлий (интеллектуал) хатти-ҳаракатлари. Ҳайвонларнинг узаро алоқаси («тили»).
19. Меҳнат фаолияти жараёнида онгнинг келиб чиқиши ва унинг ижтимоий тарихий табиати.

### II. Шахс, фаолият ва шахслараро муносабатлар

20. Активлик манбаи сифатида эҳтиёжлар ҳақида тушунча.

21. Фаолият ва унинг мақсади ҳақида тушунча.
22. Фаолиятнинг тузилиши ҳақида тушунча.
23. Малака, одат, куникма ҳақида тушунча.
24. Фаолиятнинг асосий турлари: ўйин, ўқиш, меҳнат ҳақида тушунча.
25. Мулоқотлар ҳақида тушунча.
26. Мулоқот, нутқ ва тил.
27. Мулоқот — шахсларнинг ўзаро таъсир кўрсатишидир.
28. Мулоқот — кишиларнинг ўзаро бир-бирини тушунишидир.
29. Гуруҳлар ҳақида тушунча.
30. Жамоа ҳақида тушунча.
31. Гуруҳ ва жамоадаги табақаланишлар ҳақида тушунча.
32. Жамоа ва тарбия жараёнида жамоатчилик масалалари.
33. Индивид, шахс ва индивидуаллик ҳақида тушунча.
34. Шахс тузилиши.
35. Шахс активлиги ва йўналтирилганлиги.
36. Шахснинг ўзини аниқлаши ва ўз-ўзини баҳолаши.
37. Шахснинг шаклланиши ҳақида тушунча. Шахс шаклланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари.
38. Гуруҳ ва жамоаларни тадқиқ қилишнинг социометрик методи.

### III. Билиш жараёнлари

39. Диққат тўғрисида умумий характеристика.
40. Диққатнинг турлари.
41. Диққатнинг нерв-физиологик асоси.
42. Диққатнинг тузилиши, хусусиятлари ҳақида тушунча.
43. Сезгилар ва уларнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги роли.
44. Сезги классификацияси, турлари ҳақида тушунча.
45. Сезгиларнинг умумий қонуниятлари.
46. Идрок ва унинг хусусиятлари.
47. Фазовий муносабатларни идрок қилиш ҳақида тушунча.
48. Вақт ва ҳаракатни идрок қилиш ҳақида тушунча.
49. Хотира ҳақида умумий тушунча.



50. Хотиранинг нерв-физиологик асослари.
51. Хотира турлари.
52. Хотира жараёнлари.
53. Эсда олиб қолиш ва унинг турлари.
54. Эсга тушириш ва унинг турлари.
55. Эсда сақлаш ва унутиш.
56. Хотирадаги индивидуал фарқлар.
57. Тафаккур ҳақида умумий тушунча.
58. Тафаккур ва масала ечиш.
59. Тафаккур турлари ҳақида тушунча.
60. Хаёл ва унинг турлари ҳақида тушунча.
61. Хаёлнинг физиологик асослари.
62. Хаёлнинг ўйин ва бошқа ижодий фаолиятлардаги роли.

#### **IV. Шахснинг эмоционал-иродавий сифатлари**

63. Ҳиссиёт ва унинг физиологик асослари ҳақида тушунча.
64. Ҳиссий ҳолатлар ва уларнинг турлари.
65. Ҳиссиёт турлари ҳақида тушунча.
66. Ирода ҳақида умумий тушунча.
67. Иродавий ҳаракатларнинг тузилиши.
68. Ироданинг индивидуал хусусиятлари.
69. Иродани тарбиялаш вазифалари. Иродани тарбиялашда жамоанинг роли.

#### **V. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари**

70. Темперамент ва унинг типлари ҳақида умумий тушунча.
71. Олий нерв фаолиятининг типлари ва темперамент.
72. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида темпераментнинг роли.
73. Темперамент ва таълим-тарбия жараёнида уни ҳисобга олиш.
74. Характер ҳақида умумий тушунча.
75. Характер сифатлари, тузилиши.
76. Характер ва темперамент.
77. Характернинг таркиб топиши.
78. Қобилият ҳақида тушунча.
79. Қобилиятларнинг сифат характеристикаси.
80. Қобилиятларнинг миқдорий характеристикаси.
81. Қобилият ва унинг фаолиятда намоён бўлиши.
82. Қобилиятларни таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиш зарурлиги.

83. Умумий ва махсус қобилиятлар.
84. Истеъдод ва унинг ижтимоий-тарихий табиати.
85. Истеъдоднинг тузилиши структураси.
86. Истеъдод ҳақида тушунча.
87. Қобилият ва ирсият.
88. Қобилиятлар ривожининг таълим жараёнига боғлиқ эканлиги.
89. Қобилият ва қизиқишларнинг узаро боғлиқлиги.
90. Уқувчилар шахсни тадқиқ қилиш методлари.

## Болалар психологияси

### Изоҳнома

Педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетида талабаларга болалар психологиясини ўқитиш жараёнида мазкур курснинг умумий масалалари билан бирга, боланинг туғилганидан етти ёшгача бўлган: чақалоқлик, гўдаклик, илк мактабгача ёш даврларига хос психологик хусусиятлар ҳақида чуқур билим беришга асосий эътибор қаратилган. Шу билан бирга, кичик, ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик жиҳатлари ҳақида маълумот бериш ҳам кўзда тутилган.

Болалар психологияси курсини ўқитиш дастурининг асосий вазифаси — психик ривожланиш қонуниятларини ва унинг таълим-тарбия билан боғлиқ жиҳатларини очиб бериш, психик ривожланишнинг муҳим босқичлари, бола психик камолотининг ёш ва шахсий хусусиятлари ҳақида тушунча беришдан иборатдир.

Юқорида айтиб ўтилган вазифаларни ҳал қилиб бориш мақсадида мактабгача тарбия факультетининг ўқув режасига мувофиқ, ўқув йилларининг III—V семестрлари давомида жами—144 соат, шундан: 90 соат лекция, 34 соат семинар, 10 соат амалий ва 10 соат лаборатория типидagi ўқув машғулотларини ўтказиш кўрсатилган. Бундан ташқари, ўқув режасида талабаларни II курс III семестри охирида болалар психологияси бўйича амалий синов (зачет); III курс V семестрининг охирида эса имтиҳон (назарий синов) дан ўтказиш ҳам белгилаб берилган.

Амалий синов (зачет) да талабанинг билим ва маънавиятини баҳолаш учун семинар машғулотлари, амалий ва лаборатория ишларида кўрсатилган фаолликлари, ўқувлари асос қилиб олинади.

Имтиҳон пайтида талабанинг билим даражаси билетдаги саволларга қай даражада тўғри ва илмий асосда жавоблар беришига асосланиб баҳоланади.

Қуйида биз талабаларнинг болалар психологиясини қанчалик пухта ўзлаштириб олганликларини текшириш учун бериладиган, курсни ўқитишнинг амалдаги намунавий дастури асосида тузилган саволлар мажмуасини тавсия қилаяпмиз.

## Саволлар

### I. Болалар психологиясининг умумий масалалари

1. Болалар психологиясининг предмети.
2. Болалар психологиясининг назарий ва амалий аҳамияти.
3. Болалар психологиясининг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Болалар психологиясининг кузатиш методи.
5. Болалар психологиясининг эксперимент методи.
6. Болалар психологиясида фаолият самараларини таҳлил қилиш методи.
7. Болалар психологиясининг суҳбат методи.
8. Болалар психологиясида қўлланиладиган тестлар.
9. Болалар психологиясининг социометрик методи.
10. Тарбиячининг болаларни ўрганиб бориши ва унинг аҳамияти.
11. Қамолотни белгиловчи дастлабки шартлар.
12. Боланинг психик ривожланиши тўғрисидаги био-генетик ва социогенетик назариялар.
13. Боланинг психик ривожланишида актив фаолиятнинг роли.
14. Боланинг психик ривожланишида таълим-тарбиянинг роли. Сензитивлик.
15. Ёш ва психик ривожланишни даврларга ажратиш. Ривожланиш босқичлари ва инқирозлар.
16. Боланинг психик ривожланиш қонуниятлари. Ички ва ташқи қарама-қаршиликлар. Акселерация.
17. Болалар психик ривожланишининг индивидуал хусусиятлари.
18. Бола ҳуқуқлари декларацияси ва бу ҳуқуқларнинг турли мамлакатларда амалга оширилиши.

## II. Гўдаклик ва илк ёш давридаги ривожланишнинг психология хусусиятлари

19. Чақалоқларнинг анатомик-физиологик хусусиятларига умумий характеристика.

20. Чақалоқлардаги шартсиз рефлекслар ва уларнинг бола ривожланишидаги аҳамияти.

21. Чақалоқ сезги аъзоларининг ривожланиш хусусиятлари. Сезги аъзоларини шакллантиришнинг аҳамияти.

22. Чақалоқлардаги ҳиссиёт (эмоция) лар. Жонланиш комплекси.

23. Гўдакларнинг ривожланишида катта кишилар билан мулоқотнинг роли.

24. Гўдакларда нутқ шаклланишининг дастлабки аломатлари.

25. Гўдакларда хатти-ҳаракатларнинг ривожланиши.

26. Гўдакларда атрофни тушуниб, мўлжал қила олишнинг ривожланиши.

27. Илк ёшдаги боланинг тўғри юришга ўрганиши.

28. Илк ёшдаги боланинг нарсалар билан қиладиган ҳаракатларининг ривожланиши.

29. Илк ёшдаги болаларда янги фаолият турларининг пайдо бўла бошлаши.

30. Илк ёшдаги болаларда нутқнинг ривожланиши.

31. Илк ёшдаги болаларда сезгиларнинг ривожланиши.

32. Илк ёшдаги болаларда идрок ва тасаввурларнинг ривожланиши.

33. Илк ёшдаги болаларда тафаккурнинг ривожланиши.

34. Илк ёшдаги болалар диққатига хос хусусиятлар.

35. Илк ёшдаги болалар хотирасига хос хусусиятлар.

36. Илк ёшдаги болаларда ўз-ўзини англашнинг таркиб топиши.

37. Илк ёшдаги болаларнинг индивидуал фарқлари.

## III. Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятига психологик характеристика

38. Боғча ёшидаги бола камолотининг умумий характеристикаси.

39. Боланинг психик ривожланишида ўйин фаолиятининг роли.

40. Уйин фаолияти тўғрисида чет эл психологлари-нинг фикрлари.

41. Боғча ёшидаги болалар уйин фаолиятларининг сюжети ва мазмуни.

42. Боланинг психик ривожланишига уйинчоқлар-нинг таъсири.

43. Боғча ёшидаги болаларнинг тасвирлаш фао-лиятлари ва унинг психологик хусусиятлари.

44. Боғча ёшидаги болаларнинг конструктив (қуриш-ясаш) фаолиятлари.

45. Болаларнинг таълимий машғулоти ва унинг психологик хусусиятлари.

46. Боғча ёшидаги болалар меҳнати ва унинг психо-логик хусусиятлари.

#### IV. Боғча ёшидаги болалар шахсининг ривожланиши

47. Боғча ёшидаги болалар шахсининг ривожлани-шига катта кишиларнинг таъсири.

48. Боғча болаларининг тенгдошлари билан алоқа ўрнатишга бўлган эҳтиёжлари.

49. Уғил ва қиз болалар. Жинсий тарбия масала-лари.

50. Бола шахсининг ривожланишида турли фаолият-ларнинг роли.

51. Боланинг ҳаракат мотивларига умумий тавсиф-нома.

52. Боғча ёшидаги болаларнинг ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини баҳолаши.

53. Боғча ёшидаги болада шахсининг ахлоқий сифат-ларининг ривожланиши ҳақида тушунча.

54. Боғча ёшидаги болалар ҳиссиётининг хусусият-лари.

55. Боғча ёшидаги болалар ҳиссиётини ривожлан-тиришнинг асосий йўналишлари.

56. Боғча ёшидаги боланинг хулқи (юриш-туриши) да иродавий ҳаракатларнинг роли.

57. Боғча ёшидаги болада иродавий ҳаракатларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

58. Мактабгача ёшдаги болаларда эҳтиёжларнинг таркиб топиши.

59. Мактабгача ёшдаги болаларда қизиқишларнинг шаклланиши.

60. Болаларда умумий ва махсус қобилиятларнинг таркиб топиши.

61. Холерик темперамент типигаги боғча болалари ва уларга таълим-тарбия жараёнида яқка муносабатда бўлиш.

62. Сангвиник темперамент типигаги боғча болалари ва уларга яқка муносабатда бўлиш.

63. Флегматик темперамент типигаги боғча болалари ва уларга яқка муносабатда бўлиш.

64. Меланхолик темперамент типигаги боғча болалари ва уларга яқка муносабатда бўлиш.

65. Мактабгача ёшдаги болаларда характер хислатларининг таркиб топиши.

66. Боғча ёшидаги болаларга хос индивидуал хусусиятларни аниқлаш усуллари.

67. Болаларда учрайдиган инжиқликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари.

68. Онла тарбияси ва бола шахсининг шаклланишига унинг таъсири.

#### V. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланиши

69. Боғча ёшидаги боланинг тилдан амалий фойдалана олиши ва нутқни тушуниши.

70. Боғча ёшидаги болада нутқ функцияларининг ривожланиши.

71. Сенсор ўлчам (эталон) лари ва уларнинг боғча ёшидаги болалар томонидан узлаштирилиши.

72. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳаракатни идрок қилиши.

73. Боғча ёшидаги болаларнинг фазовий муносабатларни идрок қилиши.

74. Боғча ёшидаги болаларнинг вақтни идрок қилиши.

75. Боғча ёшидаги боланинг суратни идрок қилиши.

76. Боғча ёшидаги болалар тафаккурига умумий характеристика.

77. Боғча ёшидаги болаларда образли тафаккурнинг ривожланиши.

78. Боғча ёшидаги болаларда мантиқий тафаккурнинг ривожланиши.

79. Боғча ёшидаги болаларда диққатнинг ривожланиши.

80. Боғча ёшидаги болаларда хотиранинг ривожланиши.

81. Боғча ёшидаги болаларда хаёлнинг ривожланиши.

## **VI. Мактабдаги таълим жараёнига психологик тайёргарлик**

82. Болаларнинг мактабдаги таълим жараёнига жисмоний жиҳатдан тайёргарлиги.

83. Боланинг мактабга ахлоқий, иродавий жиҳатлардан тайёргарлиги.

84. Боланинг мактабга ақлий тайёргарлиги.

85. Боланинг мактаб шароитига мослашишида учрайдиган қийинчиликлар.

## **VII. Кичик мактаб ёши даврининг психологик хусусиятлари**

86. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний хусусиятларига умумий характеристика.

87. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий жараёнларига умумий характеристика.

88. Кичик мактаб ёшидаги болалар шахсининг шаклланишидаги асосий йўналишлар.

89. Болалар боғчаси тарбиячисига қўйиладиган талаблар.

90. Бошланғич синф ўқитувчисининг маънавий қиёфаси ва касбий маҳоратига оид жиҳатлари.

Шундай қилиб, мазкур иловада олий ўқув юртларининг ўқув гуруҳларини талабалар билан бутлаш қондасига мувофиқ равишда, ҳар бир ўқув гуруҳида 25—30 нафаргача талабалар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, умумий психологиядан 90 та, болалар психологиясидан 90 та саволлар берилди. Саволларнинг бу миқдорда танланиши ҳар қайси курс имтиҳонлари бўйича 30 тагача билет тузиш имконини беради.

Жами берилган 180 та саволлар асосида психологиядан давлат имтиҳонлари учун ҳам билетлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Давлат имтиҳони билетларининг миқдорини курс имтиҳонлариникидан кўпроқ қилиб тузиш мақсадга мувофиқдир. Чунки давлат имтиҳонларининг билетларига ҳам умумий психология, ҳам болалар психологиясига оид саволлар киритилишини ҳисобга олиш зарур бўлади. Давлат имтиҳони билетларининг умумий сони қанча бўлиши ҳақида кафедра йиғилишида келишиб олинади.

## Мундарижа

<b>1. Умумий психология</b>		Еттинчи машғулот . . . . .	57
Уқтириш хати . . . . .	3	Саккизинчи машғулот . . . . .	58
Семинар машғулотлари . . . . .	7	Тўққизинчи машғулот. . . . .	59
1- машғилот . . . . .	7	Унинчи машғулот . . . . .	59
2- машғилот . . . . .	9	Ун биянчи машғулот . . . . .	59
3- машғилот . . . . .	10		
4- машғилот . . . . .	10	<b>Учинчи курс</b>	
5- машғилот . . . . .	11	Ун иккинчи машғулот . . . . .	60
6- машғилот . . . . .	12	Ун учинчи машғулот . . . . .	60
7- машғилот . . . . .	13	Ун тўртинчи машғулот. . . . .	61
8- машғилот . . . . .	14	Ун бешинчи машғулот . . . . .	61
9- машғилот . . . . .	15	Ун олтинчи машғулот . . . . .	62
10- машғилот . . . . .	16	Ун еттинчи машғулот . . . . .	62
11- машғилот . . . . .	17	Амалий-лаборатория машғулотлар ўтказиш юзасидан умумий методик кўрсатмалар . . . . .	62
Лаборатория машғулотлари. . . . .	18	Машғулотларнинг тахминий мавзулари режаси . . . . .	64
Лаборатория машғулотлари мавзулари . . . . .	18	Амалий-лаборатория машғулотларини ўтказиш методикаси . . . . .	65
Лаборатория ишлари учун методик ишланмалар . . . . .	19	<b>Иккинчи курс</b>	
Биринчи машғулот . . . . .	19	Биринчи машғулот (лаборатория машғулотлари) . . . . .	65
Иккинчи машғулот . . . . .	25	Иккинчи машғулот (амалий) . . . . .	67
Учинчи машғулот . . . . .	32	Учинчи машғулот (амалий). . . . .	67
Тўртинчи машғулот . . . . .	37	Тўртинчи машғулот (лаборатория машғулоти) . . . . .	68
Бешинчи машғулот . . . . .	44	Бешинчи машғулот (амалий) . . . . .	71
<b>II. Болалар психологияси</b>		Олтинчи машғулот (амалий) . . . . .	72
Уқтириш хати . . . . .	50	Еттинчи машғулот (лаборатория машғулотлари) . . . . .	72
Семинар машғулотлари . . . . .	52	<b>Учинчи курс</b>	
Машғулотлар юзасидан умумий кўрсатмалар . . . . .	52	Саккизинчи машғулот (амалий). . . . .	75
Уқув курслари ва семестрлар бўйича семинар машғулотларининг мавзулари . . . . .	54	Тўққизинчи машғулот (лаборатория машғулоти). . . . .	75
Семинар машғулотларининг режаси . . . . .	55	Унинчи машғулот (лаборатория машғулоти) . . . . .	78
<b>Иккинчи курс</b>		<b>Иловалар</b>	
Биринчи машғулот . . . . .	55	1- илова . . . . .	80
Иккинчи машғулот . . . . .	55	2- илова . . . . .	82
Учинчи машғулот . . . . .	56		
Тўртинчи машғулот . . . . .	56		
Бешинчи машғулот . . . . .	57		
Олтинчи машғулот . . . . .	57		



Д12

Даминов Қ. ва бошқ.

Психологиядан семинар ва лаборатория маш-  
ғулотлари: Пед. ин-т ларининг мактабгача тар-  
бия ва ўрга махсус пед. билим юрт. талабалари  
учун ўқув қўлланма.

Қ. Даминов, У. Отавалиева, Х. Иброҳимов.— Т.: Уқи-  
тувчи, 1994.—96 б.

88я7

ҚУДРАТ ДАМИНОВ, ҲИЛҲОН ОТАВАЛИЕВА,  
ХОЛВОЙ ИБРОҲИМОВ

ПСИХОЛОГИЯДАН СЕМИНАР ВА ЛАБОРАТОРИЯ  
МАШҒУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг  
дарсликларни қайта кўриш махсус  
комиссияси маъқуллаган

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Муҳаррир С. Ҳусниддинов  
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова  
Бадий муҳаррир Э. Нурмонов  
Мусаҳҳиҳа М. Минаҳмедова

ИБ 6409

Теришга берилди 3. 02. 94. Босишга рухсат этилди. 6. 05. 94. Бичи-  
ми 84×108/32. Тип қоғози. Негли 10 шпонси. Литературная гарнитураси.  
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,04. Шартли кр.-отт. 5,25.  
Нашир л. 4,98. 9000 нусхада босилди. Бичими 28.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129. Навоий кўчаси 30.  
Шартнома 12—130—93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижа-  
ра китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1994.